

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВ ХОЖИАБДУЛЛОХ МУХАММАДИЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХОЛДИНГЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:** “Фуқаролик  
ҳуқуқи ва фуқаролик процесси”  
кафедраси ўқитувчиси,  
ю.ф.н.Болтаев Мансур  
Сотиволдиевич

**ТОШКЕНТ – 2014**

## **МУНДАРИЖА**

### **Кириш**

#### **I БОБ. Холдингнинг фуқаролик ҳуқуқий мақомига умумий тавсиф.**

- 1.1. Холдинг тушунчаси ва у тўғридаги қонунчиликнинг ривожланиши
- 1.2. Холдингнинг фуқаролик ҳуқуқи субъектлари тизимида туганган ўрни ва турлари.
- 1.3. Холдингнинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати. .

#### **II БОБ. Холдинг компанияларининг фуқаролик ҳуқуқи субъектлиги.**

- 2.1. Холдингни вужудга келиш асослари ва таъсис ҳужжатлари.
- 2.2. Холдингнинг мулк ҳуқуқи.
- 2.3. Холдинг фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш асослари.

### **Хулоса**

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳаётимизнинг барча жабҳаларида иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ислохотлар амалга оширила бошлади, миллий ҳуқуқ тизимимиз шакллантирилди. Бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос субъектларидан бўлган юридик шахсларнинг турлари ҳам бир мунча кенгайди. Янгидан янги турлари пайдо бўла бошлади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов “шу билан бирга, холисона таҳлил, ислохотларимизнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда”<sup>1</sup>, дея таъкидлайдилар.

Хозирги кунда иқтисодиётимизда турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тижоратчи юридик шахслар – фермер хўжаликлари, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлари кабилар фаолият юритмоқда. Булар қаторига ҳақли равишда холдинг компанияларини ҳам қўшиш мумкин. Дунё амалиётида холдинглар саноат ва хизмат кўрсатиш бозорининг катта қисмини эгаллаб олган.

Гарчи мамлакатимизда холдинглар саноатни барча соҳаларида нисбатан кам ўрин эгаллаган бўлсада, унинг айрим белгиларини ўзида мужассамлаган компаниялар фаолияти кенгайиб бормоқда. 2013 йилда юқори технологиялар асосида машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати 121%, қурилиш материаллари саноати 113.6%, енгил саноат 13% ва озиқ овқат саноати 109% га ошгани уларни иқтисоддаги ўрнини белгилаб беради<sup>2</sup>.

Холдинг компаниялари аксарият ҳолларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат мулкни хусусийлаштириш натижасида вужудга келмоқда. Ғарб иқтисодиётида ҳар қандай йирик коорпорациянинг молиявий ва ақлик марказидир. Компанияни ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда ривожлантиришга тааллуқли жамики стратегик қарорлар шу компания холдингига кирувчи шахслар, яъни унинг асосий ҳиссадорлари томонидан қабул қилинади. Амалда бошқа компаниялар капитали ва уларни бошқаришда иштирок этишдан бўлак асосий фаолияти бўлмаган молиявий холдинг компаниялар ва яна ишлаб чиқариш соҳасида ҳам банд бўлган холдинг компаниялар мавжуд.

Мавзунинг долзарблиги шу билан белгиланадики, ханузгача холдинглар мамлакат иқтисодиётида етарли ўз ўрнини топган эмас. Зеро айни кунда мамлакатимизда – “Ўзнефтвергаз-холдинг” миллий холдинг компанияси, “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси кабилар фаолият юритмоқда. Бундан ташқари холдинглар билан боғлиқ норматив база ҳам

<sup>1</sup>Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2010

<sup>2</sup> Islom Karimov Mamlakatimizni 2013-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2014-yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma'ruza // <http://uz.uz/politics/30701/>

етарли эмас. Соҳа билан боғлиқ муносабатларни фақатгина махсус Холдинглар тўғрисидаги Низом тартибга солмоқда лекин унинг қабул қилинганлигига қарийб 19 йил тўлди. Бу давр ичида кўплаб қонунчилик тубдан ўзгартирилди ва янги таҳрирларда ишлаб чиқилди.

Шунингдек, холдинг компанияларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомига бағишланган қонунчилик етарли даражада ўрганилмаган. Холдинг компанияларининг ҳуқуқий мақоми, унинг таркибига кирувчи юридик шахслар билан холдинг компанияси ўртасида муносабат, уларнинг ҳуқуқий ҳолати, шартномавий муносабатлар бўйича жавобгарлиги ва ҳ.к.лар чуқур изланишни талаб қилади. Шу билан бирга мавзу етарли даражада тадқиқ қилинмаганлиги мавзунинг танланишига сабабий омил бўлди. Бу ҳолат бевосита мавзунинг бугунги кунда долзарблигидан далолат беради.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Юридик шахслар ва холдинг масаласи мамлакатимизда ва хорижда Ҳ.Раҳмонқулов, И.Зокиров, О.Оқюлов, А.Тўраев, М.Баратов, Ш.Рўзиназаров, В.Топилдиев, Е.Суханов, Ш.Асьянов, В.Лаптев, В.Долинская, Ж.Юлдашев, В.Чжен, Федчук В. О.Герасимов, Шиткин И., С.Гулямов, Ш.Каракетов, Д.Караходжаева каби ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган<sup>1</sup>. Аммо улар асосан юридик шахсларнинг умумназарий қоидаларини ёки у ёхуд бу юридик шахс турини таҳлил қилганлар. Шу маънода олганда, холдинглар ўрганилиши, алоҳида тадқиқот объекти бўлиши мумкин бўлган мавзудир.

#### **Битирув малакавий ишдан кўзланган мақсад ва вазифалар.**

Мазкур ишнинг асосий мақсади холдингларни юридик шахсларнинг мустақил тури эканлигини фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи-назаридан очиқ бериш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларни илмий таҳлил этиш, ўрганилган манба ва материаллар асосида уларни ҳал қилишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш лозим:

-холдинг тушунчаси ва у тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланишини таҳлил этиш;

-холдингнинг фуқаролик ҳуқуқи субъектлари тизимида тутган ўрни ва турлари тадқиқ этиш;

-холдингнинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати ўрганиш

-холдингни вужудга келиш асослари ва таъсис ҳужжатлари ўрганиш;

-холдинг фаолиятини бекор бўлиш асослари тадқиқ этиш.

**Тадқиқот ишининг объектини** холдингларни фуқаролик-ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки билан боғлиқ муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқот ишининг предметини** холдингларни фуқаролик-ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки билан боғлиқ илмий-назарий ва илмий-амалий масалалар ташкил қилади.

---

<sup>1</sup> Мазкур муаллифлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

**Янгилиги.** Унда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил субъекти бўлган юридик шахслар ва унинг алоҳида тури – холдинглар, уларнинг тушунчаси, моҳияти, вужудга келиши, фаолияти, махсус ҳуқуқ ва муомала лаёқати, фаолият кўрсатиши, мулкӣ ва шартномавий муносабатлардаги иштироки, фуқаролик жавобгарлиги ва бекор бўлиш масалалари ўрганилди. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг марказида табиийки, мол-мулк тақдири ва унинг у ёки бу шахсга тегишли эканлиги масаласи турибди. Муаллиф ушбу ишда амалдаги ва илгари амалда бўлган қонун ҳужжатларини қиёсий ҳолда таҳлил қилишга ҳаракат қилади.

Пировардида, амалга оширилган тадқиқот натижаси ўлароқ, ҳимояга илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги ҳолатлар киритилади:

- юридик шахслар умумий ракурсда ўрганилади;
- холдингларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ қилинади;
- Холдингларнинг фаолиятни тартибга солувчи фуқаролик ва соҳа қонунчилигининг нисбати очиқ берилади, таҳли қилинади;
- ўрганилган масалалар юзасидан олинган натижалар асосида амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин бўлган қатор илмий ва амалий таклифлар берилади.

**Ишнинг тузилиши.** Иш кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I БОБ. Холдингнинг фуқаролик ҳуқуқий мақомига умумий тавсиф.**

### **1.1. Холдинг тушинчаси ва у тўғридаги қонунчиликнинг ривожланиши**

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб холдинглар ҳисобланади. Қоида тариқасида уларнинг афзаллиги бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган давлатларда тарихий шарт-шароитлар асосида тан олинди. Бу ерда асосан икки ҳолатни: биринчидан, молиявий маблағларини концентрациялаш имконини беради. Шунинг учун ушбу шакл кўпроқ йирик хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишда қўлланилади. Иккинчидан, асосий белгиси таркибидаги корхоналар мажбуриятлари бўйича жавобгар эмаслиги ҳисобланади<sup>1</sup>.

Холдинглар турдош корхоналарни кооперациялашга кўмаклашиш ҳамда улар томонидан келишилган инвестиция сиёсати амалга оширилиши учун ташкил этилади. Холдингга ёки унинг шўъба корхоналаридан бирига холдинг компаниянинг шўъба корхоналари маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) учинчи шахслар томонидан сотилиши ҳуқуқи берилишига, шунингдек кўрсатиб ўтилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га нархлар холдинг томонидан бирор-бир шаклда белгилаб қўйилиши ҳуқуқи берилишига йўл қўйилмайди.

Холдинг компаниялари йирик корхоналарни хусусийлаштириш ва бошқаришнинг энг замонавий кўринишларидан бири ҳисобланади. У бир ёки турли тармоқларни капиталлари ва бошқарувини ўзида бириктирган ҳолда бизнесни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектдир. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишлар бажариш соҳаларида қўлланиладиган бу тижоратчи юридик шахснинг тури асосан хўжалик бирлашмаларининг хусусий тармоқлари томонидан, айрим ҳолларда эса оммавий-ҳуқуқий тармоқларда ҳам ташкил этилади.

Холдинг сўзи инглизча “to hold” сўзидан олинган бўлиб, ушламоқ, назорат қилмоқ деган маъноларни англатади<sup>2</sup>.

Холдинг тушунчаси норматик ҳужжатлар ва илмий адабиётларда учрайди.

Айни кунда холдингларни ҳуқуқий тартибга солувчи ягона миллий норматив ҳужжат бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12 октябрь 1995 йилда қабул қилинган “Холдинглар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 398-сонли қарори ва бу билан тасдиқланган Низом ҳисобланади<sup>3</sup>. Унга асосан активлари таркибига бошқа корхоналарнинг

<sup>1</sup> Лаптев В.В. Акционерное право -М.: 1999/ -65 с

<sup>2</sup> Каракетов Ш. Холдинги в Республики Узбекистан: особенности правового статуса. –Ташкент, ТГЮИ. 2008. -59 с.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1995., N 10, 39-модда.

акциялари назорат пакетлари кирадиган очик турдаги акциядорлик жамияти холдинг ҳисобланади.

Холдинг тушунчаси илмий адабиётларда турлича талқинларда учрайди. Юридик энциклопедияда белгиланишича ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар активлари таркибига бошқа корхоналарнинг акцияларининг назорат пакетлари кирадиган корхона холдинг ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича холдинг компаниялари шўъба жамиятларининг фаолиятини бошқаришни амалга ошириш мақсадида уларга тегишли акциялар назорат пакетини ўз қўлларида ушлайди<sup>2</sup>. И.Бутиковнинг фикрича холдинг бу унинг таркибига бошқа корхоналарнинг акциялар назорат пакети кирадиган очик акциядорлик жамиятидир<sup>3</sup>. В.В.Лаптев эса холдингга бошқа ташкилотларнинг акцияларини қўлида ушлаб турувчи ташкилот деб тариф беради<sup>4</sup>.

Ж.Юлдашевнинг фикрича холдинг асосан англо-америка ҳуқук тизимида хос бўлиб, умуман юридик шахснинг бирлашмалари сифатида ҳам, алоҳида юридик шахс сифатида ҳам ташкил этилади. Юридик шахс бирлашмалари бўлган бош субъект бўлган холдинг гуруҳнинг бошқа иштирокчилари акцияларига эга бўлиш, унга тегишли акциялар пакети гуруҳнинг бошқа иштирокчиларини назорат қилишга имкон бериши, холдинг назоратида бўлган гуруҳнинг бошқа иштирокчилари юридик жихатдан мустақил шахслар бўлиши каби белгиларга эга<sup>5</sup>.

Айрим муаллифларнинг фикрича корпорациялар, ассоциациялар, концернларга кирувчи ёки давлат бошқарув идоралари ҳамда маҳаллий маъмурият тасарруфида бўлган корхоналар, бошқа ҳуқуқий ва жисмоний, шу жумладан, хорижий шахслар томонидан ҳиссадорлик (пай) асосида ташкил этилган турдош корхоналарнинг кооперация даражасини кўтариш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун ўз маблағларини кўнгилли равишда бирлаштирган ташкилот холдинг компанияси (холдинг) ҳисобланади<sup>6</sup>.

В.В.Долинская холдинг бошқа фирмаларни назорат қилиш ва фаолиятини бошқариш мақсадларида уларнинг назорат пакет акция ёки ҳиссаларига эгаллик қилувчи компания тарзида тарифлайди<sup>7</sup>.

Иқтисодчиларнинг тарифлашларида холдинг компанияси – бу бошқа акциядорлик жамиятларини назорат қилиш ва фаолиятини бошқариш мақсадларида уларнинг акциялар тўпламига, яъни назорат пакетларига эгаллик қилувчи ихтисослашган инвестиция компаниясидир<sup>8</sup>.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган ва хулоса чиқарадиган бўлсак, уларнинг ҳар бирида асосий эътибор назорат пакет акцияга эга бўлганликка қаратилмоқда. Лекин холдинг компанияси таркибида нафақат

<sup>1</sup>Юридик энциклопедия. -Тошкент, “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси. 2001. -524 б.

<sup>2</sup>Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Тошкент: О’zbekiston. 2008. -118-119 б.

<sup>3</sup>Бутиков И. Қимматли қоғозлар бозори –Тошкент, Консаудитинформ. 2001. -177 б.

<sup>4</sup>Лаптев В.В. Акционерное право. М. Контракт. 1999. -127 б.

<sup>5</sup>Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –Тошкент. ТДЮИ. 2004. -54 б.

<sup>6</sup>Чжен В.А. Хусусийлаштириш асослари. Т.1. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи”. -Т.: 1996. -122 б.

<sup>7</sup>Долинская В.В. Акционерное право. –М.: Юридическая литература. 1997. -308 с.

<sup>8</sup>Абдуллаев Ё, Шоҳаъзамов Ш. Қимматли қоғозлар. –Тошкент, Мехнат. 1997. -126 б.

акциядорлик жамиятлари балки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Амалдаги қонунчиликда ва ташкил этилган холдинг компаниялари тузилишини ўрганганда бунга янада тўлиқроқ амин бўламиз.

Масалан, “Ўзвиносаноат холдинг” холдинг компанияси таркибига 25 та АЖ, 97 та унитар корхона, 15 та ҚК, 17 та МЧЖ, 3 та ХФ, 3 та ЁАЖ 273 та “Агро-фуд” фирма магазинларидан иборат жами 433 та корхона киради<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, амалдаги қонунчиликка асосан фақатгина акциядорлик жамиятларигина акция ҳисобланган қимматли қоғоз чиқариш ҳуқуқига эга. Унитар корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар эса акция чиқара олмайди. Демак юқорида берилган аксар тарифларда назарда тутилган назорат пакет акция ибораси холдинг компанияси моҳиятини ўзида мужассам эта олмайди.

Бундан ташқари Ж.Юлдашевнинг фикрича республикада фаолият кўрсатаётган холдинглар йирик капитални бирлаштирган ҳолда ҳам мустақил хўжалик юритувчи субъект, ҳам юридик шахслар бирлашмаси, ҳам у ташкил этилган халқ хўжалигида махсус давлат сиёсатини олиб борувчи “вазирлик мақомига эга” юридик шахс сифатида намоён бўлмоқда<sup>2</sup>.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда холдинг компанияларини ташкил этиш билан боғлиқ қарорларда ташкил этилаётган холдинг компанияси шу соҳада маълум бир давлат сиёсатини амалга ошириши назарда тутилган. Бундан ташқари холдингларни вазирликларга тенглаштириш бевосита қарорларнинг ўзида бевосита акс этмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги 15 декабрь 1998 йилги қарорида белгиланишича, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси бошқарувининг раиси мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирига, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компаниясининг бош бошқармаси бошлиғи - раиснинг биринчи ўринбосари - вазирнинг биринчи ўринбосарига, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси бош бошқармалари бошлиқлари - раиснинг ўринбосарлари - вазир ўринбосарларига тенглаштирилган.

“Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси бош бошқармаси бошлиғи - бошқарув раисининг биринчи ўринбосарига вазирларга белгиланган, бош бошқармалар бошлиқлари - бошқарув раисининг ўринбосарларига - вазирнинг биринчи ўринбосарларига белгиланган моддий ва маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари сақлаб қолинди. “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси ва унинг бўлинмалари ходимларида улар учун аввалги иш жойи бўйича белгиланган моддий таъминот ва тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитларига бўлган ҳуқуқ сақлаб қолинди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.01.2006 йил 255-сонли “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 2-сон, 8-модда.

<sup>2</sup> Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –Тошкент, 2004. - 68 б.

Лекин бу ҳолат ҳам холдингга берилган тарифларда ўз аксини топмаган.

Бундан ташқари холдинг таркибидаги корхоналар ўз мустақилликларини тўлиқ сақлаб қолишини ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим. Зеро агар корхона мустақиллигини сақлаб қолмаса у филиал ёки ваколатхона мақомига айланиб қолиши мумкин.

**Юқоридагиларни инобатга олиб холдинг компанияси тарифини қуйидагича ўзгартириш мақсадга мувофиқ:**

**Холдинг бу таркибига турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарни назорат қилиш ва фаолиятини бошқариш мақсадида уларнинг назорат пакет акция ёки хиссаларига эгалик қилувчи компаниядир.**

Холдингларнинг моҳияти ҳам бевосита юридик шахслар моҳияти билан боғлиқ. Лекин юридик шахс моҳияти умумий характерга эгадир. Шу сабабли холдинглар амалдаги қонунчиликка асосан очик акциядорлик жамиятлари ташкилий-ҳуқуқий шаклида тузилишини инобатга олиб, ва унинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда холдинг моҳиятини ҳам аниқлаш мумкин.

Холдингнинг моҳияти бевосита унинг туб ўзига хослиги, ҳуқуқий табиати билан ифодаланади. Фикримизча холдингларнинг моҳиятини назорат пакет акцияларни қўлга киритиш, капитални тадбиркорлик мақсадида қисқа муддатда бир жойга жамлаш кабилар очиб беради.

“Назорат пакет” тушунчаси устунлик мавқеи билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2001 йил 24 сентябрдаги 5, 2001-12-сон қарори билан тасдиқланган “Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги” Йўриқномага асосан устун мавқе - хўжалик юритувчи субъект (шахслар гуруҳи)нинг ўриндошга эга бўлмаган товар бозорида ёки бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар бозорида танҳо мавқеи, бу ҳол унга рақобатни чеклашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, бозорга бошқа хўжалик юритувчи субъектлар киришини қийинлаштириш ёки уларнинг иқтисодий фаолияти эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имконини беради. Унинг ҳиссаси бозорда 65 фоиз ва ундан ортиқни ташкил этса, хўжалик юритувчи субъект (шахслар гуруҳи)нинг мавқеи устун мавқе деб тан олинади.

Холдинг компанияси умумий маънода, алоҳида турдаги молия компанияси бўлиб, бошқа компаниялар фаолиятини назорат қилиш ва бошқариш мақсадида уларнинг акциялари назорат пакетига эга бўлиш учун ташкил этилади.

Холдингларни ҳуқуқий тартибга солувчи махсус норматив ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12 ноябрь 1995 йилги №398-сонли қарори билан тасдиқланган “Холдинглар тўғрисида”ги Низом

ҳисобланади<sup>1</sup>. Бундан сўнг холдинглар билан боғлиқ кўплаб норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Лекин улар холдингларни ташкил этиш, фаолияти, бошқаришни такомиллаштириш ва тугатиш билан боғлиқ нормалар ҳисобланади<sup>2</sup>.

Умуман олганда Президентимиз И.ҚАримов таъкидлаганидек, иқтисодиётни туб демократик ва бозор ислохотларининг амалга оширилаётганлиги... хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги муҳим принципал аҳамиятга эга<sup>3</sup>.

## **1.2.Холдингларнинг фуқаролик ҳуқуқи субъектлари тизимида тутган ўрни ва унинг туркумлиниши**

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатнинг иштирокчилари унинг субъектлари ҳисобланади ва субъект сифатида фуқаролар, юридик шахслар ва давлат эътироф этилади. Фуқаролик ҳуқуқининг мустақил субъектлари сифатида фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатларда қатнашиш ва шу муносабат билан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати фақат фуқароларгагина эмас, балки юридик шахсларга ҳам берилади.<sup>4</sup>

Холдинг очик акциядорлик жамияти шаклида тузилиши Холдинглар тўғрисидаги Низомда белгиланган, шу билан бирга Низомнинг 5-бандида юридик шахс эканлиги, унга нисбатан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун қўлланилиши назарда тутилган. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида акциядорлик жамиятлари юридик шахс ҳисобланиши ва у юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиши ҳақидаги норма холдингларга ҳам юридик шахс қоидалари тўлиқ қўлланилишлигини билдиради.

Холдингларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми ҳам айнан шу юридик шахс эканлигидан келиб чиқиб белгиланади.

ФКнинг 39-моддасига асосан ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари тўплами. 1995. 10-сон. 39-модда.

<sup>2</sup> "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси Бошқарувчилар кенгашининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида (ЎзР Президентининг 08.09.2006 й. ПК-461-сон Қарори), "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (ЎзР Президентининг 21.08.2006 й. ПК-446-сон Қарори).

<sup>3</sup> Amalga oshirayotgan islohotlarimizni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyati qurish – yorug‘ kelajagimizning asosiy omilidir// Prezident Islom Karimovning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilganining 21-yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma‘ruzasi// <http://uza.uz/uz/politics/30129/>

<sup>4</sup> Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. -Т., ТДЮИ. 2009.

Д.М.Караходжаеванинг фикрича, юридик шахс белгиси унинг ички ўзига хос хусусиятидир. Гарчи бу ўринда “белги” сўзи маъно жihatдан тор бўлса-да ҳуқуқий анъанага хосдир<sup>1</sup>.

Умумий қоидага кўра холдинглар юридик шахс сифатида муайян белгиларга эга бўлиши лозим ва улар қуйидагиларни ташкил этади.

Холдингнинг ташкилий жihatдан тузилиши стуруктурасини кўрсатадиган уставда унинг ташкилий бирлиги белгиланади. Устав эса юридик шахснинг бу белгисини расмий ифодаси ҳисобланади. Демак, ташкилий бирлик юридик шахсни алоҳидалаштирадиган, ҳуқуқ субъекти сифатида ташкил бўлганлигини ва муайян ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга бўлишини билдиради.

Х.Рахмонқуловнинг фикрича, ташкилий бирликнинг яна бир хусусияти шундаки, бир неча киши бирга фаолият юритиш учун бирлашадилар, лекин бу фаолият шу юридик шахснинг устав ва низомига мос бўлиши керак.<sup>2</sup>

Мулкий мустақиллик белгиси юридик шахсга маълум бир мол-мулкни мулк ҳуқуқи (хўжалик юритиш, оператив бошқарув) асосида тегишлилигини билдиради<sup>3</sup>. Яъни ФКнинг 39-моддасидаги юридик шахс тарифидан келиб чиқадиган бўлсак, «ўз мулкида, хўжалик юритишда ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган»дагина ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Мулкка эгалик фуқаролик муомаласида иштирок этиш учун асос бўлади. ФКнинг 39-моддаси 2-бандида кўрсатилган мустақил баланс ва сметага эга бўлиши, унинг мол-мулкни ҳисобда туришини ва бошқа иштирокчилар мулкидан алоҳида бўлиши учун асос бўлади. Ва бу белги юридик шахснинг мустақиллигини белгиловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 2-моддаси 3-қисмида «жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансда ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулқига эга бўлади.» дейилган.

Алоҳида мол-мулкка эга бўлмаган ёки ушбу мол-мулкни мустақил равишда бошқара олмайдиган, шу сабабли бошқа шахслар билан хўжалик муносабатларида бўла олмайдиган ташкилотлар фуқаролик ҳуқуқини субъекти бўла олмайди. Демакки, унинг мулки бошқа фуқаролик ҳуқуқи субъектлари мулкидан алоҳида бўлиши, мустақил ажралиб туриши лозим. Юқорида таъкидлаганимиздек, холдингнинг мулки акциядорлар ва таркибидаги корхоналар мулкидан ажралиб туради.

Холдинг устав фондида давлат улуши бўлиши мумкин. Устав фондида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларини бошқариш бўйича қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинганки, уларда давлат улушларини бошқаришда ишончли вакил ва бошқарувчи компанияларнинг ваколатлари белгиланган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Караходжаева Д.М. Юридик шахс институти // Ҳаёт ва қонун. -Тошкент, 2004. -№4 –Б. 21.

<sup>2</sup>Рахмонқулов Х.Р. Правовые формы регулирования имущественных отношений социалистических хозяйственной организации. Т., Фан. 1976. -35 б.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд. –Тошкент. Vaktria press. 2010.

<sup>4</sup> “Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005, 17-18-сон, 132-модда.; “Давлат акциялар пакети (улушлари)ни ишончли

Юридик шахснинг мустақил мулкӣ жавобгарлиги мулкӣ мустақиллиги билан узвий боғлиқ. Бу шундан иборатки, юридик шахс ҳисобланган ташкилот фуқаролик муносабатларига киришар экан, вужудга келадиган мажбуриятлар юзасидан ўзига тегишли мулки билан жавобгар бўлиши лозим.

Шўъба корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради, бош холдингга тегишли бўлган акцияларнинг назорат пакети қиймати ҳам шу жумлага киради. Бош холдинг таъсис шартномасида қайд этилган шартларда шўъба корхонанинг қарзлари бўйича жавоб бериши мумкин.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида белгиланишича, жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади. Юридик шахслар қарзлари учун ўзларининг ҳар қандай мулклари билан эмас, ҳақ ундириб олиниши мумкин бўлган мулки билангина жавобгар бўлади.

Юридик шахснинг фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиш белгиси ўз номидан битимлар тузиш мулкӣ ва мулкӣ характерга эга бўлмаган ҳуқуқларга эга бўлишида, судда даъвогар ва жавобгар бўлишида шунингдек ўз номидан бошқа мажбуриятлар юзага келтиришида кўринади. Қонуннинг 2-моддасига асосан жамият қонун ҳужжатларида таъкикланмаган, ўз таъсис ҳужжатларида назарда тўтилган мақсадларга мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқ лаёқатини амалга ошириш чоғида ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Акциядорлик жамиятларининг юридик шахс сифатидаги юқоридаги тўрт белгиларидан ташқари уни индивидуал белгилари (фирма номи, товар белгиси, ҳизмат кўрсатиш белгиси, товар чиқарилган жой номи, почта манзили, банкда ҳисоб рақамига эга бўлиши) ҳам мавжуд. Қонуннинг 3-моддаси айнан ушбу белгиларни ҳуқуқий тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига асосан, фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлоқ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади<sup>1</sup>.

Холдинглар тўғрисидаги Низомга асосан, холдингнинг номига “холдинг” сўзи қўшилган бўлиши ҳамда унинг тури (“АЖ” акциядорлик жамияти) кўрсатилган бўлиши керак.

Фирма номи унинг таъсис ҳужжатлари тасдиқланаётган вақтда белгиланади. У юридик шахслар давлат реестрига киритиш йўли билан қайд этилади ва бу ҳақда юридик шахсга далолатнома берилади. Одатда, фирма номи

---

бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш Қоидаларини тасдиқлаш ҳақида” / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 37-сон, 416-модда.; “Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2004 й. 295-сон Қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 26-сон, 298-модда. ва бошқалар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2006. 37-38-сон, 370-модда.

бир ҳудудда такрорланмаслиги лозим. Акс ҳолда турли низолар, англашилмовчиликлар келиб чиқиши табиий. "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига асосан товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон Қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотнома тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар туманлар (шаҳарлар) давлат статистика органларида расмийлаштирилади.

Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома олиш учун ариза берувчи шахсан ўзи келиб, почта алоқаси, электрон почта алоқаси ёки факсимил алоқа орқали туман (шаҳар) давлат статистика органига сўралаётган фирма номи, шунингдек фирма номининг 5 тагача муқобил варианты кўрсатилган ариза билан муурожаат қилади.

Туман (шаҳар) давлат статистика органи аризани олганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат статистика органларига электрон почта алоқаси ёки факсимил алоқа орқали тегишли сўровнома юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат статистика органи, туман (шаҳар) давлат статистика органининг сўровномасини олгач, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасига электрон почта алоқаси ёки факсимил алоқа орқали тегишли сўровнома юборади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг масъул ходими сўралаётган ва қабул қилиниши мумкин бўлган фирма номини фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритиш йўли билан захирага қўйиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган ва рўйхатдан ўтказилган тегишли юридик шахс билан рўйхатдан ўтказиладиган юридик шахсни адаштирилишига олиб келиши мумкин бўлган фирма номини захирага қўйиш мумкин эмас. Захирага олинган фирма номи ёхуд бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжудлиги ҳақида маълумот Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг масъул ходими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика органларига электрон почта алоқаси ёки факсимил алоқа орқали юборилади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат статистика органи олинган маълумотни уни сўраган туман (шаҳар) давлат статистика органига электрон почта алоқаси ёки факсимил алоқа орқали юборади.

Туман (шаҳар) давлат статистика органи захирага олинган фирма номини ёхуд бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи КТЯДРда мавжуд эканлиги ҳақидаги маълумотномани олгач тегишли маълумотномани расмийлаштиради ва беради. Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эканлиги ҳақидаги маълумотномани олган ариза берувчи, қайтадан ариза билан бошқа фирма номларини кўрсатган ҳолда бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома беришни сўраб мурожаат қилишга ҳақли.

Аризани кўриб чиқиш ва тегишли маълумотномани бериш муддати 2 иш кунини ташкил этади. Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эканлиги (мавжуд эмаслиги) ҳақида маълумотнома берганлик учун тўлов олинмайди. Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотноманинг амал қилиш муддати 2 ой.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан, товар белгиси ҳамда хизмат кўрсатиш белгиси, бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир<sup>1</sup>. ФКнинг 1103-моддасига кўра, товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда алоҳида ҳуқуқга эга. О.Окюловнинг фикрича, товар (хизмат) белгиси бу бир жисмоний ёки юридик шахснинг товарлар ва хизматларни бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг бир турдаги товарлар ҳамда хизматларидан фарқлаш учун фойдаланиладиган белгиларидир<sup>2</sup>.

Бундан ташқари ташкилотларнинг юридик манзили ҳам муҳим аҳамиятга эга. ФКнинг 46-моддасига асосан юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади. Зеро манзил (почта манзил) мажбуриятлар учун жавоб бериш ҳамда у билан боғлиқ низоларни қайси судда кўрилишини белгилаш жойини аниқлаш имконини беради. Юридик шахсларнинг юридик манзили таъсис ҳужжатларида белгиланади. Юридик манзилнинг ўзгариши манфаатдор шахс(кредитор, солиқ, статистика органи)лар учун аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон Қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, тадбиркорлик субъектлари ўз почта манзили ёки юридик манзили ўзгарган тақдирда ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Бунда давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йиғими олинмайди. Рўйхатдан ўтказувчи

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001. 9-10-сон, 178-модда.

<sup>2</sup> Окюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Тошкент: ТДЮИ, 2004. -154 б.

органлар хабарномани олгандан бошлаб 2 кун муддатда бу ўзгариш ҳақида давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларини хабардор қилади.

Холдинг юридик шахс сифатида ФКнинг 47-моддасига мувофиқ, филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин. Улар ўзларини ташкил этган жамият томонидан мол-мулк билан таъминланади ва шу жамият тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради. Унинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва унинг номидан иш кўради. Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни тузган жамият зиммасида бўлади. "Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги Олий Хўжалик суди Пленумининг 1999 йил 5 феврал 77-сонли қарорига асосан юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинма(филиал, ваколатхона) фақат юридик шахс номидан даъво қилиши мумкин. Филиал ҳам ваколатхона ҳам мулк билан мулк билан юридик шахснинг ўзи томонидан таъминланади ва бу мулк юридик шахс мулки бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам юридик шахслар мажбуриятлари юзасидан жавобгарликни филиал ёки ваколатхона мулки қаратиши мумкин. Холдинг уставида унинг филиаллари ҳамда ваколатхоналари тўғрисида маълумотлар берилган бўлиши керак.

Холдинглар АЖ шаклида тузилади. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, акциядорлик жамиятлари очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин. Фуқаролик Кодекси 65-66-моддалари ҳам бевосита очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солади.

ОАЖнинг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони чекланмайди. Ёпиқ акциядорлик жамиятларининг муассислари эса камида уч шахсдан иборат қилиб белгиланади. Айнан муассисларининг белгиланган миқдори турли давлатларда турлича белгиланган. Жамият ОАЖ бўлиш учун эса қатнашчилар ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз ўзга шахсларга бериши мумкин бўлади. Бу жамият ўзи чиқараётган акцияларга очиқ обуна ўтказишга ва қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда уларни эркин сотишга ҳақли бўлади.

ОАЖлар ўзи чиқараётган акцияларга ёпиқ обуна ўтказишга ҳам ҳақли. Жамият уставида ва қонун ҳужжатларида ёпиқ обуна ўтказиш имконияти чекланган ҳоллар бундан мустасно. ОАЖ акциядорлари сони чегараланмайди. Умумий қоидага кўра ОАЖларда энг кам устав фонди белгиланиши лозим.

Баъзи адабиётларда таъкидлашича, холдинглар икки тури мавжуд, соф холдинг ва молиявий холдинг<sup>1</sup>. Холдинг компаниялар ўз ваколатларига кўра қуйидагича таснифланиши мумкин:

1) "соф" – фақатгина шўъба ва қарам компанияларни фаолиятини назорат қилиш ва координациялаш функцияси билангина шуғулланувчи;

<sup>1</sup> Абдуллаев Ё., Шохазамов Ш. «Қимматли қоғозлар» -Т.: «Мехнат» 1997 йил. -22 б.

2) “аралаш” - назорат қилиш ва координациялаш функцияси билан бирга бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи;

3) “молиявий” – холдинг ичида инвестиция ресурсларини қайта тақсимлаган ҳолда минимал даражада шўъба ва қарам компанияларни фаолиятини назорат қилиш ва координациялаш кабилардан иборат ваколатларни амалга оширади.

Холдинглар тўғрисидаги Низомда холдингларнинг молиявий холдинг ва нодавлат холдинг каби турлари назарда тутилган.

Сармоясининг 50 фоиздан ортиқини бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозлари ва ўзга молиявий активлари ташкил этган холдинг молиявий холдинг ҳисобланади.

Молиявий холдинг активлари таркибига фақат қимматли қоғозлар ва ўзга молиявий активлар, шунингдек холдинг бошқаруви аппарати фаолият кўрсатишини таъминлаш учун бевосита зарур бўлган мол-мулк кириши мумкин. Активлари таркиби таъсис этиш пайтида кўрсатиб ўтилган талабга мувофиқ келмайдиган молиявий холдинг давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида уни бажариш учун зарур бўлган хатти-харакатларни амалга ошириши керак.

Кўрсатиб ўтилган талабнинг бажарилмаслиги ушбу холдингнинг акциялари эмиссияси проспектини рўйхатдан ўтказган органнинг тақдимномаси асосида хўжалик суди томонидан молиявий холдингни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши учун асос ҳисобланади.

Молиявий холдинглар мутлақ даражада инвестиция фаолияти юритишга ҳақлидирлар, улар учун фаолиятнинг бошқа турлари тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ва унинг қудудий бошқармалари (кейинги ўринларда давлат мулкини бошқариш ваколати берилган органлар) молиявий холдинглар устав фондига корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш тартибида ташкил этилган акциядорлик жамиятлари устав сармоясининг 20 фоизидан ортиқини ташкил этувчи акциялар пакетини қўшишга ҳақли эмаслар.

Молиявий холдинг шўъба корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятига аралаштиришга ҳақли эмас. Молиявий холдинг вакиллари фақат шўъба корхоналар акциядорлари йиқилишларида қатнашишлари мумкин. Молиявий холдинг вакилларининг кузатув кенгаши, бошқарув ва шўъба корхоналари бошқарувининг бошқа органлари таркибига киритилишига йўл қўйилмайди. Молиявий холдинг ўзига тегишли акциялар билан қимматли қоғозларнинг ташкил этилган бозоридан (фонд биржасидан) бошқа жойда битишувлар содир этишга ҳақли эмас. Фонд биржасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган акциялар билан амалга оширилган битишувлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Нодавлат юридик шахслар акцияларининг назорат пакетларини ихтиёрий бирлаштириш ёки нодавлат хўжалик жамияти томонидан бошқа хўжалик жамиятлари акцияларининг назорат пакетларини сотиб олиш йўли билан тузиладиган нодавлат юридик шахс-холдинг алоҳида тур бўлиб, унинг активлари таркибида давлат улуши мавжуд бўлмайди.

Холдинг юридик шахслар ичида ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Т.В.Кашанина холдингни бирлашма, ассоциация, концерн, консорциум, картел, карнер, конгломерат, трест, франчайза, молиявий саноат гурухи кабилар билан бирга юридик шахс бирлашмаси деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Холдинг компанияларини консорциум, синдикатлардан фарқ қилади.

Консорциум тадбиркорлик (якка тадбиркор ва жамоа тартибида) мақомига эга бўлган субъектлар (шериклар)ларнинг молиявий ёки саноат лойиҳасини учинчи шахс билан контрактни амалга ошириш учун тузилган вақтинчалик шартномавий бирлашуви бўлиб, ўзларининг юридик мустақилликларини сақлаб қолади<sup>2</sup>. Консорциум юридик шахс ҳисобланмайди.

Юқоридаги таърифдан келиб чиқиб консорциумни фаолият юритишининг вақтинчалиги (қоида тариқасида битта лойиҳани амалга ошириш учун); бирлашманинг шартномавий характери; юридик шахс мақомининг мавжуд эмаслиги; субъектлари таркибининг таснифи (фақат тадбиркорлик субъектлари), шерикларнинг юридик мустақиллигини сақлаб қолиши; учинчи шахс буюртмасига биноан аниқ лойиҳани амалга ошириш мақсади каби асосий белгиларини кўрсатиш мумкин.

Консорциум юридик шахс ҳисобланмаганлиги учун давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этилмайди.

Синдикат бу – бир хил саноат корхоналарининг бирлашмаси бўлиб, улар ўз маҳсулотини битта идора орқали сотиш мақсадида алоҳида савдо ширкати (акционерлик жамияти, масъулияти чекланган жамият ва ҳ.к.) шаклида ташкил этилади. Бунда ҳар бир синдикат иштирокчиси ўз маҳсулотини сотиш учун бир хил шартдаги шартнома тузади<sup>3</sup>. Синдикат иштирокчилари ўз ишлаб чиқариш мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда, тижорат мустақиллигини йўқотади<sup>4</sup>. Синдикатнинг асосий белгилари сифатида вақт билан чегараланмаган бирлашма; бирлашманинг мураккаб ҳуқуқий табиати – савдо идорасининг устав характери, бошқа иштирокчиларнинг шартномавий характердаги боғлиқлиги; субъектлари – тадбиркорлар, одатда саноатнинг бир хил соҳаси; савдони ташкиллаштириш мақсади; иштирокчиларнинг тижорат мустақиллигида шартномавий таъқиқнинг ихтиёрийлигини кўрсатиб ўтиш мумкин:

Юқоридаги белгиларга эга бўлган синдикатлар *холдинг компаниялари* билан ўхшаш бўлсада, синдикатлардаги ўзига хослик бўлиб, бу ташкил этиладиган савдо контораси улар иштирокчиларини шартномадан ташқари назорат қилмайди. Аксинча, ушбу савдо конторасини (унинг таъсисчилари бўлганда) иштирокчилар назорат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак холдинг юридик шахс сифатида ОАЖ ташкилий ҳуқуқий шаклида тузиладиган, бошқа тижоратчи юридик шахслардан ўзига хос хусусиятлари – ўз шўъба ва қарам амиятларига

<sup>1</sup> Кашанина Т.В. Корпоративное (внутрифирменное) право. -М.: Норма, 2005. -69 с.

<sup>2</sup> Қаранг: Гражданское и торговое право капиталистических государств. –М.: 1993. с.360-363.

<sup>3</sup> Ўша адабиёт

<sup>4</sup> Ўша адабиёт

эгалити, ҳам юридик шахс бирлашмаси, ҳам мустақил тижорат билан шуғулланувчи, бошқариш функцияларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

### **1.3. Холдингнинг фуқаролик ҳуқуқий лаёқати ва муомала лаёқати**

Ҳуқуқий муносабатларни мазмунини ташкил этадиган, уларнинг вужудга келиши учун зарур бўлган таркибий қисмлар мазкур муносабатларнинг унсур(элимент)лари деб аталади ва фуқаролик ҳуқуқи муносабатларида жамоавий субъектлар юридик шахслар сифатида майдонга чиқади. Ушбу муносабат шахслар ўртасидаги муносабат экан, унда қатнашувчи шахслар фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига яъни фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларига эга бўлиш лаёқатига молик бўлишлари лозим.<sup>1</sup>

ФКнинг 41-моддаси 1-қисми "Юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолият мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади" жумласи орқали барча юридик шахсларнинг махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлишлиги таъкидлайди. Лекин биз илгари сураётган фикр нуқтаи назаридан тижоратчи юридик шахслар (унитар корхоналардан ташқари) универсал ҳуқуқ лаёқатига эга. Шу сабабли ҳам юқоридаги модда "Тижоратчи юридик шахс қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган, нотижорат юридик шахслар таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга оширишда фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади" тарзида баён этилиши лозим.

Тижоратчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати нотижорат юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатидан кенгроқ бўлиб, умумий характерга эга. Нотижорат юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати ўз низомлари доирасида чекланганлиги боис махсус ҳуқуқ лаёқати мос келади. Акциядорлик жамияти универсал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиб, бу умумийлик сармояларни тез ва узлуксиз муомалага киришини таъминлайди ҳамда сармоядорни қонуний ҳаракат доирасида даромад олишга йўналтиришни кафолатлайди.

Бу фикрга қўшилган ҳолда холдинглар акциядорлик жамиятларининг махсус тури сифатида фаолият доираси ўз таъсис ҳужжатлари ва махсус қонунда белгиланганлиги боис махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча юридик шахс томонидан чиқариладиган локал ҳужжатни тўртинчи асос сифатида эътироф этиш лозим чунки, улар юридик шахсни ўз фаолиятини амалга оширишда йўналтирувчи ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, акциядорлик жамияти нодавлат тижоратчи юридик шахс сифатида универсал ҳуқуқ лаёқатига эга деб ҳисобласакда, юридик адабиётларда бу борада ягона тўхтам йўқлигига гувоҳ бўламиз. Ҳар қандай тижоратчи ташкилот иштирокчилари унинг ҳуқуқ лаёқат хажмини торайтириши яъни махсус ҳуқуқ лаёқатига айлантириши мумкин. Бунинг учун жамият уставида аниқ мақсад ва фаолият предметини белгилаши кифоя.

<sup>1</sup>Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. -Т., ТДЮИ. 2009. -27 б.

Шунингдек, айрим турдаги акциядорлик жамиятлари(банк, биржа) учун қонун махсус ҳуқуқ лаёқатини ўрнатиши мумкин.

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади ва шу пайтдан уларда ҳуқуқ лаёқати вужудга келади. Лекин ФКнинг 41-моддасига мувофиқ, айрим турдаги махсус лицензия асосида фаолият юритадиган юридик шахс ушбу лицензияни олган пайтдан ҳуқуқ лаёқати пайдо бўлади.

Юридик шахснинг муомала лаёқати ўз номидан фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида ҳаракат қилиши яъни битимлар тузиш, мажбуриятларга эга бўлиш ва бажариш, давогар ҳамда жавобгар бўлиш лаёқати тушунилади. И.Зокиров ва Елисеевнинг фикрича, юридик шахснинг муомала лаёқати деганда унинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини олиши, яратиши, амалга ошириши ва бажариши тушунилади.<sup>1</sup> Холдингнинг муомала лаёқати уларнинг хоҳиш иродаси замирида вужудга келади. Уларнинг хоҳиш иродаси фуқаролик ҳуқуқий субъекти сифатида фуқаролик муносабатларида мулкӣ ва мулкӣ характерда бўлмаган ҳуқуқларни олиш ва бошқа фуқаролик ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида намоён бўлади. Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш ва унинг ҳуқуқий негизларини такомиллаштириш ҳужалик юритувчи субъектлар фаолият дорасини, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари кенгайтирди.

Холдингнингнинг муомала лаёқати унинг хоҳиш иродасида намоён бўлар экан, бу лаёқатни ўз бошқарув органлари орқали амалга оширилади.

Холдинглар тўғрисидаги Низомда холдингларни бошқариш масалаларига эътибор берилмаган ва бундан Низомда холдингларни бошқариш ҳақидаги нормалар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун нормаларига ҳавола қилиниши билан белгиланиши келиб чиқади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли қарори билан тасдиқланган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги “Акциядорлик жамиятларининг ижро этувчи органи ҳақида”ги Намунавий Низомлар<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли қарори билан тасдиқланган “Акциядорлик жамиятининг Кузатувчи кенгаши тўғрисида”ги Намунавий Низом<sup>3</sup>лар билан тартибга солинади.

Акциядорлик жамиятлари қонуннинг 63-моддасига асосан, акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижро органи орқали бошқарилади. Акциядорлик жамиятлари мураккаб таркибли, иштирокчилар сонининг чекланмаганлиги, катта миқдоридаги мулкни бошқариш заруратининг мавжудлиги боис жаҳон тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, бошқарув тизимининг икки ва уч звеноли кўринишларига дуч келамиз.

<sup>1</sup>Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқи Т.ТДЮУ 2009

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг қарорлар тўплами. 1998. №8. 31-модда.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003. 7-8-сон 63-модда.

Т.В.Кашанина акциядорлик жамиятларининг бошқарув органлари тўғрисида сўз юритиб, хатто тўрт звеноли(акциядорларнинг умумий йиғилиши, директорлар кенгаши, бош директор рахбарлигидаги бошқарма, рахбарий тузилма-бошқарувчи ваколатли шахс) бўлиши мумкинлигини кўрсатади.<sup>1</sup>

Корпоратив бошқарув АЖларнинг органлари томонидан ташқи ва ички муносабатда манфаатларини химоя қилишдир. Амалдаги фуқаролик қонунчилиги бошқарув органларини қуйидагича таснифлайди: умумий йиғилиш, директорлар кенгаши, ижроия органи. Ўрта поғонани ташкил этувучи атама (директорлар кенгаши) хорижий инвесторлар учун ушбу орган моҳиятини тушунишга ёрдам беради деб айтиш мумкин. Чунки “директорлар кенгаши” атамаси кўпроқ англо-америка ҳуқуқ тизимида қўлланилиб, бу ҳудудларда ушбу атама холдинг компаниялари ижроия органи тушунчаси беради.

Миллий қонунчилигимизда ушбу термин умумий раҳбарликни амалга оширувчи органга нисбатан қўлланилиб, бу ҳолат баъзида чет эл инвесторларининг миллий қонунчилигимиздаги ушбу иборани тушунишларига ҳалал берар эди. Шунинг учун ҳам ушбу орган иборасига қўшимча тарзида “кузатув кенгаши” ибораси ҳам қўшилди. Бу ҳолат уни аниқлашда холдинг компанияларини бошқаришни уч поғонали тизимни қўллайдиган қитъа ҳуқуқ тизимида одатий ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган бошқарув органларидан ташқари ҳар бир холдинг компаниясида тафтиш комиссияси ҳам тузилади ёки ревизор тайинланади (сайланади). Ушбу тафтиш комиссияси компания молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилади ва қоида тариқасида, бошқарув органлар жумласига кирмайди ҳамда компания бошқарувида тўртинчи поғонани ташкил этмайди. Лекин, назорат бошқарув функцияларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ушбу масаланинг баҳсли эканлигини ҳисобга олган ҳолда қуйида бу ҳақда албатта, фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

#### **Холдинг компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши.**

Холдинг компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши унинг олий бошқарув органи ҳисобланади. Умумий йиғилиш компания фаолияти билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этади.

Холдинг компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши ваколатларига:

- холдинг компанияси уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- холдинг компаниясини қайта ташкил этиш, тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- холдинг компанияси кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

<sup>1</sup> Кашанина Т.В. Корпоративное право. Учебник. М.НОРМА-ИНФРА-М 1999 -458 б.

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- холдинг компаниясининг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш;
- ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;
- агар холдинг компанияси уставига кўра жамият ижроия органини тузиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва ҳоказо), унинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилмаган бўлса, ана шу масалаларни ҳал қилиш;
  - холдинг компанияси тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;
  - холдинг компаниясининг аудиторини тасдиқлаш;
  - холдинг компаниясининг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;
  - акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қонун назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
    - умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;
    - акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
    - қонун талабларига мувофиқ, ҳолларда битимлар тузиш;
    - қонун назарда тутилган ҳолларда холдинг компаниясининг мол-мулк сотиб олиши ва мол-мулкни бегоналаштириши билан боғлиқ йирик битимларни тузиш.

Холдинг компанияси умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун холдинг компанияси ижроия органига берилиши мумкин эмас.

Холдинг компанияси акциядорларининг умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг кузатув кенгашига берилиши мумкин эмас, холдинг компанияси уставига унинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Юқоридаги ҳолатдан кўриниб турибдики, директорларга кенгаши (кузатув кенгаши)га нисбатан битта истисно ҳолат мавжуд: умумий қоидага мувофиқ, устав фонди умумий йиғилиш қарорига мувофиқ ўзгартирилсада, директорлар кенгаши томонидан ҳам ўзгартириш киритилиши мумкин, агар бу ҳуқуқ унга устав ёки умумий йиғилиш қарорига мувофиқ берилган бўлса.

Холдинг компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши йиллик ёки навбатдан ташқари ҳам бўлиши мумкин. Холдинг компанияси акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши уставда кўрсатилган муддатда чақирилади, лекин бу муддат икки ойдан аввал ҳам эмас ва молия йили тугалланганидан кейин олтин ой муддатдан ошиб ҳам кетмаслиги лозим.

Холдинг компанияси акциядорларининг йиллик йиғилишида директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) сайланиши, тафтиш комиссияси

(ревизор), аудиторни тайинлаш, йиллик ҳисоботни тасдиқлаш, йиллик дивидендлар ҳажмини белгилаш ва бошқа хил масалалар кўриб чиқилади.

Холдинг компанияси акциядорларининг навбатдан ташқари мажлиси директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) қарорига асосан, ўз ташаббуслари билан ёки тафтиш комиссияси, аудитори талабига биноан, шунингдек 10% дан кўп овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар талабига асосан чақирилиши мумкин.

Директорлар кенгаши (кузатув кенгаши)нинг холдинг компанияси акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришдан бош тортиши юқорида кўрсатилган шахсларга судда даъво қилиш ҳуқуқини беради. Шу билан бирга тафтиш комиссияси, аудитори талабига биноан, шунингдек 10% дан кўп овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг ўзлари ҳам навбатдан ташқари мажлисни чақиришлари мумкин.

Амалдаги қонунчиликда холдинг компанияси акциядорларининг умумий йиғилишига кўп ваколатлар берилгани билан баъзи чеклашлар ҳам мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин. Чунончи, холдинг компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши ўзларига бевосита тегишли бўлмаган масалаларни кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишга ҳақли эмаслар.

Холдинг компанияси акциядори умумий йиғилишда шахсан ўзи ёки вакили орқали иштирок этишга ҳақли. Умумий йиғилиш қарори, қоида тариқасида йиғилишда қатнашган акциядорларнинг умумий кўпчилик овози билан овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акция эгалари томонидан овоз бериш натижасида қабул қилинади.

Баъзи истисноли, нисбатан муҳим масалалардан ташқари бўлган ҳолатларни ҳисобга олмаганда, қарор умумий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Бу истисноли ҳолатларга холдинг компаниясини уставини ўзгартириш, қайта ташкил қилиш, тугатиш, эълон қилинган акцияларнинг миқдорини белгилаш, йирик битимлар тузиш. Бундай ҳолатларда қарор умумий кўпчилик овоз билан эмас, балки умумий овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисми овоз берганда қабул қилинади.

Шунингдек, қарор директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) томонидан холдинг компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибига кўйилганда ҳам умумий йиғилиш томонидан қабул қилиниши мумкин. Холдинг компанияси акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) билан муайян санада акциядорлар рўйхатига киритилган акциядорлар эгадирлар. Агарда холдинг компанияси акциядорлари рўйхатига киритилган шахс ўз акцияларини бошқа шахсга сотса, у ушбу шахсга умумий йиғилишда қатнашишга ишончнома орқали ёки шахсан ўзи қатнашиб, янги эганинг кўрсатмасига биноан қарор қабул қилиши лозим бўлади.

Холдинг компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартиби директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) томонидан тузилади ва йиғилиш давомида ўзгартирилиши мумкин эмас. Умумий йиғилишда фақатгина кун тартибига киритилган масалалар ҳал этилади. Кун тартибига таклиф киритиш ҳуқуқи камида 2% овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акция

эгаларига берилиши мумкин. Буларнинг ҳар бири кун тартибига иккитадан ортиқ таклиф киритиш мумкин эмас. Холдинг компанияси директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) кун тартибига акциядорлари томонидан берилган таклифларни қонунга зид бўлмасагина киритиши зарур. Масалан, умумий йиғилиш ваколатига кирмайдиган масалаларни киритиш ҳақидаги таклиф.

Холдинг компанияси директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) томонидан берилган таклифларни киритмаслик акциядорларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Шу билан бирга юқорида кўрсатилган ҳуқуқ амалиётда катта аҳамиятга эга эмас, чунки судда масала умумий йиғилиш ўтказилганидан сўнг кўрилади.

Холдинг компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларининг ярмидан кўпи қатнашганда ваколатли бўлади. Кворум етарли бўлмаганида айнан шундай кун тартибида янги умумий йиғилиш чақирилади. Бундай ҳолда кворум 30% акциядорлар овоз берувчи акция эгаларини ташкил этади. Холдинг компанияси акциялари эгалари (овоз берувчи акция эгалари) 100 дан ортиқ бўлганда умумий йиғилиш кун тартибидаги масалалар бюллетень тартибидагина ҳал этилади. Бундай ҳолда холдинг компаниясида доимий орган сифатида ҳисоб комиссияси тузилади.

Холдинг компанияси акциялари эгалари (овоз берувчи акция эгалари) 500 дан ортиқ бўлганда умумий йиғилиш ҳисоб комиссияси ваколоти махсус реестр юритувчига юклатилиши мумкин. Бунда махсус реестр юритувчи мажбурият тартибда акциядорларнинг реестрини юритади.

Фикримизча, умумий йиғилишни ўтказиш тартиби ва унга тайёргарлик кўриш масаласи холдинг компаниясининг уставда назарда тутилиши лозим. Унда чунончи, бошқарув органининг умумий йиғилишида кўрилган масаланинг умумий кўпчилик овоз билан ва бир овоздан қабул қилиниши каби ҳолатлар кўрсатилиши зарур. Бу вазият нафақат холдинг компанияси умумий йиғилиш балки, директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) ва коллегиял ижроия органига ҳам тааллуқлидир.

#### **Холдинг компанияси директорлар кенгаши (кузатув кенгаши).**

Холдинг компанияси директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) умумий раҳбарликни амалга оширувчи органдир. Унинг томонидан умумий йиғилишнинг мутлоқ ваколатлари ва кундалик фаолият билан боғлиқ (ижро этувчи орган томонидан ҳал этиладиган) масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал этади.

Холдинг компанияси директорлар кенгаши (кузатув кенгаши)нинг мутлоқ ваколатлари қоида тариқасида Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 82-моддасида назарда тутилган директорлар кенгашининг мутлоқ ваколатларига кирувчи вазифаларда кўрсатилган.

Холдинг компанияси директорлар кенгаши (кузатув кенгаши)нинг ваколатлари доирасига қуйидагилар масалаларни ҳал этиш киради:

- холдинг компанияси фаолиятининг устун йўналишларини белгилаш;

- холдинг компанияси акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;
- холдинг компанияси акциядорлари умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати тузиладиган санани белгилаш;
- агар холдинг компанияси уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига ҳуқуқ берилган бўлса, эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш йўли билан холдинг компанияси устав фондини кўпайтириш;
- холдинг компанияси уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, облигациялар ва қимматли қоғозларни жойлаштириш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш;
- агар холдинг компанияси уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига ҳуқуқ берилган бўлса, қонунда назарда тутилган ҳолларда холдинг компанияси жойлаштирган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш;
- агар холдинг компанияси уставида кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган бўлса, ижроия органига тўланадиган ҳақ ва бадаллар миқдорини белгилаш;
- холдинг компанияси тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва бадаллар миқдори юзасидан тавсиялар бериш ҳамда аудиторнинг хизматларига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш;
- акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар беришга;
- холдинг компаниясининг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- холдинг компаниясини бошқариш органлари фаолият тартибини белгилаб берувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;
- холдинг компаниясининг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиш;
- холдинг компаниясининг шуъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
- қонун назарда тутилган ҳолларда мол-мулк сотиб олиш ва уни тасарруфдан чиқариш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш.

Холдинг компанияси кузатув кенгаши шунингдек, умумий йиғилиш ваколатларига киритилмаган бошқа масалаларни ҳам ҳал этишга ҳақли. Лекин, холдинг компанияси кузатув кенгаши мутлоқ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

Холдинг компанияси кузатув кенгаши амалдаги қонунчилик ва холдинг компанияси уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади. Холдинг компанияси кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди. Холдинг компанияси коллегиял ва яккабошчилик асосидаги ижроия органининг аъзолари кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас.

Холдинг компанияси кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар холдинг компанияси устави билан ёки акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлаган қарор билан белгилаб қўйилиши мумкин.

Холдинг компанияси кузатув кенгашининг миқдор таркиби устав ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгилаб қўйилади.

Амалдаги қонунга мувофиқ, оддий ёки бошқа овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлари сони беш юздан ортиқ бўлган очик акциядорлик жамияти учун кузатув кенгашининг миқдор таркиби етти аъзодан кам бўлиши, оддий (одатдаги) ёки бошқа овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлари сони бир мингдан ортиқ бўлган жамият учун эса тўққиз аъзодан кам бўлиши мумкин эмаслиги таъкидланган.

Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни холдинг компанияси кузатув кенгашининг битта номзодига тўлиқ беришга ёки бир нечта номзод ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар холдинг компанияси кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади. Холдинг компанияси уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, холдинг компанияси кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

Холдинг компанияси уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, компания кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир. Холдинг компанияси кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, холдинг компанияси уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

Холдинг компанияси кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, кузатув кенгашининг аъзоси, тафтиш комиссияси ёки аудиторнинг, холдинг компанияси ижроия органининг, шунингдек холдинг компанияси уставида белгилаб қўйилган бошқа шахсларнинг талабига биноан чақирилади. Холдинг компанияси кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби уставда белгилаб қўйилади.

Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум холдинг компанияси уставида белгилаб қўйилади, бироқ у кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлиб қолса, холдинг компанияси кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг ана шундай фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириш тўғрисидагина қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Холдинг компанияси кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгаши мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгилаб

берувчи қонунда, холдинг компанияси уставда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Холдинг компанияси кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси 1 овозга эга бўлади.

Холдинг компанияси кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

- Холдинг компанияси уставда кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолларда кузатув кенгашининг қарорини қабул қилишда холдинг компанияси кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи назарда тутилиши мумкин. Холдинг компанияси кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади.

Холдинг компанияси кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда раислик қилган шахс томонидан имзоланади, у мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

#### **Холдинг компаниясининг ижроия органи.**

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 86-моддасида акциядорлик жамиятининг ижроия органи ҳақидаги батафсил маълумот берилган. Ундан келиб чиққан ҳолда холдинг компаниясининг ижроия органи ҳақидаги қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Холдинг компаниясининг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ёки коллегиял ижроия орган (бошқарув, дирекция) томонидан амалга оширилиши мумкин.

Бир пайтнинг ўзида ҳам яккабошчилик асосидаги, ҳам коллегиял ижроия органлари бўлиши назарда тутилган холдинг компанияси уставда улардан ҳар бирининг ваколатлари белгилаб қўйилиши керак. Бундай ҳолларда холдинг компаниясининг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) вазифасини бажарувчи шахс коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) раиси вазифасини ҳам амалга оширади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан холдинг компанияси ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (бошқарувчи ташкилотга) ёки якка тартибдаги тадбиркорга (бошқарувчига) берилиши мумкин. Тузиладиган шартноманинг шартлари, башарти уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, холдинг компанияси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Холдинг компанияси ижроия органининг ваколатларига холдинг компаниясининг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно. Холдинг компанияси ижроия органи акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Холдинг компаниясининг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) холдинг компанияси номидан ишончномасиз иш юритади, шу

жумладан унинг манфаатларини ифода этади, холдинг компанияси номидан битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, холдинг компаниясининг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Холдинг компанияси ижроия органларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади.

Холдинг компаниясининг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор), коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзолари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчининг ҳуқуқлари ва бурчлари қонун ҳужжатлари ҳамда уларнинг ҳар бири холдинг компанияси билан тузадиган шартномада белгиланади. Холдинг компанияси номидан шартномани кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Холдинг компаниясининг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор), коллегиял ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) раҳбари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузиладиган шартномада уларнинг акциядорлик холдинг компанияси фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда уларнинг умумий йиғилиш ва кузатув кенгаши олдидаги ҳисоботлари даврийлиги назарда тутилиши лозим.

Холдинг компаниясининг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) вазифасини ҳамда бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозимларни ўриндошлик йўли билан бир шахснинг эгаллашига кузатув кенгаши розилиги билангина йўл қўйилади.

Акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши, агар уставга биноан унга шундай ҳуқуқ берилган бўлса, холдинг компаниясининг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор), коллегиял ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) раҳбари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилишга ҳақлидир.

Холдинг компаниясининг *коллегиял* ижроия органи (бошқарув, дирекция) холдинг компанияси устави асосида иш юритади.

Коллегиял ижроия органи мажлисида баённома юритилади. Коллегиял ижроия органи мажлисининг баённомаси кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига, аудиторга уларнинг талабига кўра берилади.

Холдинг компаниясининг коллегиял ижроия органи мажлисларини ўтказишни холдинг компаниясининг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) вазифасини бажараётган шахс ташкил этади, у холдинг компанияси номидан барча ҳужжатларни ҳамда коллегиял ижроия органи мажлиси баённомаларини имзолайди, коллегиял ижроия органи ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ, ишончномасиз холдинг компанияси номидан иш юритади.

Холдинг компанияси кузатув кенгашининг аъзолари, яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ва коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзолари, шунингдек бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи ўз

ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда холдинг компанияси манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

Холдинг компанияси кузатув кенгашининг аъзолари, яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ва коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзолари, шунингдек бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи қонун ҳужжатларига ва холдинг компанияси уставига мувофиқ холдинг компанияси олдида жавобгардир.

Айни пайтда холдинг компаниясига зарар келтиришга сабабчи бўлган қарорга овоз беришда қатнашмаган ёки бундай қарорга қарши овоз берган холдинг компанияси кузатув кенгаши аъзолари, коллегиял ижроия орган (бошқарув, дирекция) аъзолари жавобгар бўлмайди.

Холдинг компанияси ёки у жойлаштирган оддий акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) холдинг компаниясига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни даъво қилиб кузатув кенгаши аъзоси, яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор), коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзоси, шунингдек бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи устидан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### **Холдинг компанияси тафтиш комиссияси.**

Холдинг компаниясининг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун холдинг компанияси уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини сайлаши мумкинлиги қонунда ўз ифодасини топган.

Холдинг компанияси тафтиш комиссиясининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун нормаларидан келиб чиққан ҳолда ва холдинг компанияси устави билан белгиланади.

Холдинг компанияси тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгилаб қўйилади.

Холдинг компаниясининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг қарорига ёки холдинг компанияси овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида ўн фоизига эгалик қилувчи акциядорларнинг талабига биноан амалга оширилади.

Холдинг компанияси тафтиш комиссиясининг талабига биноан холдинг компаниясининг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

Холдинг компаниясининг тафтиш комиссияси Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 72-моддасига мувофиқ

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

Холдинг компанияси тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек холдинг компаниясининг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Кузатув кенгашининг аъзоларига ёки бошқарув органларидаги мансабдор шахсларга қарашли акциялар холдинг компанияси тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш чоғида овоз беришда иштирок этиши мумкин эмас.

Аудитор (фуқаро ёки аудиторлик ташкилоти) холдинг компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ, холдинг компаниясининг молия-хўжалик фаолиятини текширади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши холдинг компанияси аудиторини тасдиқлайди. Аудиторнинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори холдинг компанияси кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

2007 йилнинг 1 январидан бошлаб активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан кўпроқ бўлган корхоналарда кузатув кенгашлар томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобот берадиган ички аудит хизматлари ташкил этила бошланди<sup>1</sup>. Устав капиталида давлат акциялари (улушлари) пакети 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказиш учун аудитор ташкилотини танлаш Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади<sup>2</sup>.

## **II БОБ. Холдингларнинг фуқаролик-ҳуқуқий субъектчилиги**

### **2.1. Холдинг компанияларини вужудга келиш асослари ва таъсис ҳужжатлари.**

Холдинг компанияларини ташкил этиш тартиби бошқа юридик шахсларни ташкил этишдан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Амалдаги қонунчилик холдинг компанияларини ташкил этишни бирмунча мураккаб тартибини белгилаган.

Холдинг компанияларини ташкил этиш юридик факт ҳисобланади. Юридик адабиётларда юридик шахслар қўйидаги усулларда вужудга келиши мумкинлиги таъкидланган: 1. Буйруқ (фармойиш) орқали. Қолган икки усулда эса юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлиб мулкдорлар ёки улар вакил қилган шахслар қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бошқа ташкилотлар ва фуқаролар ҳисобланади; 2. Мурожаат қилиш усули. Бунда муассислар томонидан тузиладиган юридик шахсларнинг вужудга келиши имконияти

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 27 сентябрдаги 475-сонли Қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2006. 39-сон, 387-модда.

<sup>2</sup> Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудитор ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги Низом (Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2007 йил 12 февралдаги 01/12-18/03, 20-сон қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 28.03.2007 йилда №1668 сон билан рўйхатга олинган)// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. 13-сон, 128-модда.

қонун томонидан олдиндан белгилаб қўйилмаган бўлади. Бинобарин, бундай ҳолларда давлат органи худди шундай юридик шахснинг бўлиш-бўлмаслиги мақсадга мувофиқлигини текширади; 3. Рухсат олиш усули<sup>1</sup>.

Одатда холдинг компаниялари қоида тариқасида, юқорида юридик шахсларни ташкил этиш усулларидадан учинчиси яъни, рухсат олиш усули билан ташкил этилади. Бундай усулда ташкил топадиган юридик шахсларнинг ташкил бўлиш-бўлмаслиги мақсадга мувофиқлиги текширилмайди, балки таъсис ҳужжатларининг (юридик шахсларни ташкил этиш ҳақидаги устав) қонунга мувофиқлиги текширилади холос.

Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади<sup>2</sup> (ФКнинг 41-моддаси, 3-банди). Фуқаролик ҳуқуқида фуқароларга нисбатан ҳуқуқ лаёқатининг тенглик принципи ўрнатилган, фуқаролик ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни ҳамма фуқаролар учун қонун билан тенг ҳажмда белгиланган бўлса, юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати ундан фарқланиб, уларнинг ҳар қайси тури учун ҳар хил бўлади. У барча юридик шахслар учун бирорта умумий ҳажмда олдин эмас, балки конкрет юридик шахснинг пайдо бўлишида, унинг иш мақсадларига қараб, қонун, устав ёки низомларида белгиланади.

Холдинг компанияси ўз устави асосида ҳаракат қилади. Унинг ҳуқуқ лаёқати, унинг устави тасдиқланган пайтдан бошлаб ёхуд тегишли ваколатли идора ушбу юридик шахсни ташкил этиш ҳақидаги қарор чиқаргандан кейин вужудга келади. Холдинг компанияси амалдаги қонунчиликка кўра, давлат рўйхатидан ўтказилгандан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Умумий қоида бўйича, юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари қонун талаблари даражасида бўлса, уни уч иш кунида давлат рўйхатидан ўтказиш лозим. Айрим юридик шахсларни ташкил қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қонун билан таъқиб қилинади. Масалан, Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб кўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларининг махфий жамият ва уюшмаларнинг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади.

Холдинг компаниясининг устави шундай ҳужжатки, бунда унинг фаолияти учун юридик аҳамиятга эга бўлган қоидалар мустаҳкамланади.

Холдинг компаниялари одатда қуйидаги уч усулда ташкил топади:

***1) йирик корхоналар таркибидан унинг бўлинмаларини мустақил юридик шахс (шўъба корхонаси) ташкил этган ҳолда.***

Йирик корхонани қайта тузиш ва давлат тасарруфидан чиқариш тартибида унинг таркибидан юридик мустақил (шўъба) корхоналарни ажратган ҳолда холдинг ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда давлат мулкани бошқаришга вакил қилинган органлар:

<sup>1</sup> Гражданское право. /Под ред А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. ч.1. -М.: ПРОСПЕКТ. 2012. -120 с.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: “Адолат”, 2013.

-монополияга қарши органнинг розилигини оладилар;

-бутун корхонанинг ёки ажратиб чиқарилаётган бўлинмаларнинг устав сармоясини кўпайтириш мақсадга мувофиқлигини баҳолайдилар, зарурат бўлганда эхтимол тутилган ўзга инвесторларни холдинг қатнашчилари сафига киритиш учун улар ўртасида танлов ўтказадилар.

**2) юридик жиҳатдан мустақил бўлган корхоналарни акциялар пакетини бирлаштириш йўли билан;**

Юридик мустақил корхоналарнинг акциялари пакетларини бирлаштириш тартибда холдинг компания ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда давлат мулкани бошқаришга вакил қилинган органлар:

✓ монополияга қарши орган иштирокида ташкил этилаётган холдинг компанияга киритилаётган ёхуд хўжалик мустақиллигига эга бўлаётган ва умумий асосларда давлат тасарруфидан чиқарилиши керак бўлган корхоналар рўйхатини аниқлайдилар;

✓ корхоналар меҳнат жамоаларининг қарорларини ва уларнинг корхоналарни холдингнинг шўъба корхоналарига айлантиришга розилигини ҳисобга оладилар;

✓ қўшимча инвестицияларни жалб этишнинг эхтимол тутилган усуллари кўриб чиқадилар, зарурат бўлганда эхтимол тутилган ўзга инвесторларни холдинг қатнашчилари сафига киритиш учун улар ўртасида танлов ўтказадилар.

Нодавлат юридик шахслар томонидан холдинглар:

✓ нодавлат юридик шахслар акцияларининг назорат пакетларини ихтиёрий бирлаштириш;

✓ нодавлат хўжалик жамияти томонидан бошқа хўжалик жамиятлари акцияларининг назорат пакетларини сотиб олиш йўли билан тузилади.

Бир корхона акциялари назорат пакетининг иккинчи корхона томонидан сотиб олиниши бир корхонани иккинчи корхона томонидан кўшиб олиш ҳисобланади. Бунда ўзига кўшиб олувчи корхона холдинг (башарти илгари шундай бўлмаган бўлса), кўшилиб кетадиган корхона-шўъба корхона ҳисобланади.

Бир корхонанинг иккинчи корхона томонидан кўшиб олинишидаги чеклашлар ва чеклаш шартлари, шунингдек бошқа корхоналарнинг бирлашиши (кўшилиб кетиши, кўшилиши) монополияга қарши органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқарилади.

Қуйидаги ҳолларда корхоналарнинг кўшиб олинишига йўл қўйилмайди:

➤ агар кўшиб олинадиган корхона ва холдинг ёки унинг бошқа шўъба корхоналари ўхшаш ёки ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар (ишлар, хизматлар)ни учинчи шахсларга сотса;

➤ агар холдинг ёки унинг шўъба корхоналаридан бирортаси кўшиб олинадиган корхона томонидан ишлаб чиқариладиган товар (ишлар, хизматлар)нинг истеъмолчиси ҳисобланса ва кўшиб олинадиган корхонанинг

тегишли бозордаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этса ёхуд қўшилиш пайтида тегишли товар (ишлар, хизматлар)нинг биринчи корхона томонидан истеъмол қилинадиган мавжуд даражасидан ортиқ бўлса;

➤ агар қўшиб олинадиган корхона холдинг ёки унинг шўъба корхоналаридан бирортаси томонидан ишлаб чиқариладиган товар (ишлар, хизматлар)ни сотишни амалга оширса ва қўшилиш пайтида биринчи корхонанинг тегишли бозордаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этса ёхуд холдинг ёки унинг шўъба корхоналаридан бирортаси улушидан ортиқ бўлса.

Қуйидаги ҳолларда корхоналарнинг қўшилиб кетишига (устав сармоя миқдоридан қатъи назар) йўл қўйилмайди:

- агар қўшилаётган корхоналар ўхшаш ёки ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотса ва тегишли бозорда уларнинг жами улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этса, ёхуд агар уларнинг қўшилиши улардан бирортаси ҳаракат қиладиган бозорнинг кенгайишига олиб келса;

- агар қўшилаётган корхоналардан бири иккинчи корхона томонидан ишлаб чиқариладиган товар (ишлар, хизматлар)нинг истеъмолчиси ҳисобланса ва иккинчи корхонанинг тегишли бозордаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этса ёхуд қўшилиш пайтида биринчи корхона томонидан тегишли товар (ишлар, хизматлар) истеъмол қилинишининг мавжуд даражасидан ортиқ бўлса;

- агар қўшилаётган корхоналардан бири иккинчи корхона томонидан ишлаб чиқариладиган товар (ишлар, хизматлар)ни сотишни амалга оширса ва тегишли бозорда биринчи корхонанинг улуши қўшилиш пайтида 35 фоиздан ортиқ бўлса ёхуд иккинчи корхонанинг улушидан ортиқ бўлса.

Молиявий холдинг ва унинг шўъба корхоналарининг қўшилишига, агар қўшилиш натижасида холдинг сармоясидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий активлар улуши 50 фоиздан ортиқ бўлмаган даражага етса, қонун бажарилган тақдирда йўл қўйилади.

Ўхшаш ёки ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотувчи корхоналарнинг қўшилиб кетиши ҳақидаги таклиф Низомда назарда тутилган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ монополияга қарши органлар томонидан кўриб чиқилади.

Корхоналарнинг қўшиб олинишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган битишувлар содир этилиши устидан назорат қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ, монополияга қарши органлар томонидан амалга оширилади.

### ***3) янги акциядорлик жамиятини ташкил этиш йўли билан.***

Мамлакатимизда холдинг компаниялари аксарият ҳолларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида ташкил топаётганлиги қайд этиш лозим.

“Холдинглар тўғрисида”ги Низомда кўрсатилишича, давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда Давлат мулки қўмитаси томонидан холдинглар ташкил этилиши мумкин.

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришда холдинглар ташкил этиш тўғрисидаги таклиф давлат мулкани бошқаришга вакил қилинган органларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда киритилади.

Таклифда:

✓ холдинг ташкил этиш зарурлиги асосланиши, унинг фаолияти мақсади ва вазифалари кўрсатилган бўлиши;

✓ ташкил этилаётган холдингга киритилиши таклиф этилаётган корхоналар (бўлинмалар) рўйхати берилган бўлиши;

✓ ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кўрсатиб ўтилган корхоналар (бўлинмалар) томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар улуши тўғрисидаги маълумотлар берилган бўлиши;

✓ холдинг бошқарув органларининг ваколатларини, холдингнинг шўба корхоналар билан ўзаро муносабатлари тартибини белгиловчи холдингнинг таъсис ҳужжатлари лойиқалари мавжуд бўлиши керак.

Аризага иловада шўба корхоналар сифатида холдинг таркибига киритиш таклиф этилаётган корхоналар (бўлинмалар) меҳнат жамоаларининг қарори бўлиши лозим. Ушбу қарор “Холдинглар тўғрисида”ги Низомнинг II бўлими 8-бандига мувофиқ расмийлаштирилган бўлиши лозим.

✓ қайта ўзгартирилаётган ва давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхоналар асосида ташкил этилаётган холдингнинг муассислари давлат мулкани бошқаришга вакил қилинган органлар, шунингдек пайлар, улушлар, акциялар кўринишидаги ўз маблагларини қўйиш хоҳишини билдирган нодавлат юридик ва жисмоний шахслар бўлишлари мумкин.

Холдинг қатнашчилари сони чекланмаган.

Ўзга инвесторларнинг иштирокисиз ташкил этилаётган холдингнинг устав фондига қўшиладиган мулк қиймати қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоланади.

Ўзга инвесторлар иштирокида холдинг ташкил этишда компания қатнашчилари томонидан қўшиладиган улушлар миқдори мол-мулкнинг бозор баҳосидан келиб чиқиб, томонларнинг розилигига кўра баҳоланади.

Шўба корхоналарга (бўлинмаларга) айлантириладиган корхоналар ходимлари давлат мулкани бошқаришга вакил қилинган органнинг розилиги билан тасдиқланган рўйхатларга ва ёпиқ обуна натижаларига мувофиқ, улар томонидан беришга ва сотишга мўлжалланган акцияларни холдингнинг устав фондига қўшишлари мумкин. Эслатиб ўтилган акцияларнинг ўрнига шўба корхоналарнинг ходимларига холдинг акциялари берилади (номинал қиймати бўйича сотилади).

Холдинг ташкил этиш тўғрисидаги қарор давлат мулкани бошқаришга вакил қилинган орган томонидан қабул қилинган тақдирда:

➤ шўба корхоналарнинг акциялари пакетлари ва Холдинглар тўғрисидаги Низомнинг I бўлими 3-бандида назарда тутилган бошқа активлар давлат мулкани бошқаришга вакил қилинган орган томонидан холдинг устав сармоясини тўлаш тартибида қўшилади. Бунда холдинг устав сармояси акцияларнинг ушбу пакетлари ва унга муассислар томонидан бериладиган бошқа активларнинг жами номинал қийматига тенг бўлади;

- шўъба корхоналарнинг қолган акциялари давлат мулкани бошқаришга вакил қилинган органларга тақсимлаш (сотиш) учун берилади;
- холдинг акциялари унинг қатнашчилари ўртасида уларнинг улушларига мувофиқ тақсимланади.

Мамлакатимизда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш борасида катта ишлар амалга оширилди ва бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди<sup>1</sup>.

Холдинг ташкил этиш ва уни рўйхатдан ўтказиш тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш учун белгиланган тартибда “Холдинглар тўғрисида”ги Низомда назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Корхоналарнинг акциялари назорат пакетларига эгалик қилувчи холдинг ташкил этишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди, агар:

- улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, монополистлар сирасига киритилган бўлса;
- бир хилдаги ёки бир-бирининг ўрнини босувчи маҳсулотларнинг муайян гуруҳи бўйича бозорда уларнинг жами улуши монополияга қарши орган томонидан белгиланадиган чекланган миқдордан ортиқ бўлса, чунки бундай шароитларда у мустақил равишда ёки шўъба корхоналар билан биргаликда ҳаракат қилиб товарлар айланиши шартларига қал қилувчи таъсир кўрсатиши, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришларини қийинлаштириши ва бу билан истеъмолчилар ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зарар етказиши мумкин.

Қуйидаги тармоқларда холдинглар ташкил этилишига йўл қўйилмайди: савдо, моддий-техника таъминоти, умумий овқатланиш, маиший хизмат, коммунал хўжалик, транспорт (темир йул, авиация, трубопровод транспорти ва мутлақ равишда халқаро ташишларни амалга оширувчи корхоналардан ташқари), халқ бадий хунармандчилиги.

Монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантириш мақсадида монополияга қарши орган холдинглар ташкил этилишига йўл қўйилмайдиган иқтисодиёт секторларини белгилаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, Давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ёки давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришда, сотиб олиш ва ижарага беришда чеклашларга эга бўлган давлат корхоналари ва мол-мулки асосида холдинглар ташкил этишга ушбу чеклашлар бекор қилингунга қадар йўл қўйилмайди.

---

<sup>1</sup> Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги 357-сонли “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг ҳабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. 20-21-сон, 174-модда.), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003. 15-16-сон, 130-модда) ва шу қарор билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом, шунингдек “Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида”ги Намунавий Низом (Ўзбекистон Республикаси Молиявий Қонунлари тўплами. 2003. 12-сон)лар шулар жумласидандир.

Ташкил этилаётган холдинглар барча турдаги хўжалик уюшмалари (иттифоқлар, концернлар, консорциумлар, корпорациялар ва бошқалар)нинг ёки корхоналарнинг бошқа бирлашмалари, шунингдек давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий ворислари бўлиши мумкин эмас.

Холдингларнинг муассислари уларнинг уставларида тадбиркорлик фаолияти хусусиятига ва шўба корхоналар фаолиятига таъсир кўрсатувчи қарорлар қабул қилиниши бўйича қонуний ҳуқуққа чеклашларни монополияга қарши органнинг тавсиялари асосида белгилашга ҳақлидирлар.

Давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхонанинг (корхона бўлинмасининг) шўба корхонага айлантирилишига ана шу корхона меҳнат жамоасининг розилиги билан йўл қўйилади. Бундай розилик умумий йиғилишда барча ходимларнинг ярмидан кўпининг овози билан қабул қилинади.

Холдинглар, шу жумладан, давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида ташкил этиладиган холдинглар, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда монополияга қарши орган деб аталади) рухсати билан ташкил этилади. Холдинглар ташкил этилиши (қайта ташкил этилиши) юқорида айтиб ўтилган рухсатномасиз давлат рўйхатидан ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Кўрсатиб ўтилган рухсатнома олинмаган тақдирда холдингни давлат рўйхатидан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ҳақидаги қарорнинг амал қилиши монополияга қарши орган томонидан уни ҳақиқий деб ҳисоблаш тўғрисидаги масала қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилгунга қадар тўхтатилади.

Монополияга қарши органнинг рухсатномасини олмасдан холдинг ташкил этиш (қайта ташкил этиш)нинг давлат рўйхатига олинishiга (қайта рўйхатга олинishiга) йўл қўйган органлар ва уларнинг мансабдор шахслари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Холдинг ташкил этишга рухсатнома олиш учун монополияга қарши органга қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилади:

- ✓ холдингни рўйхатга олишга рухсат бериш тўғрисида илтимоснома;
- ✓ холдинг устави лойиқаси;
- ✓ холдинг ташкил этиш тўғрисидаги ният баёни ёки муассислар шартномаси;
- ✓ ташкил этилаётган холдингга киритиш учун таклиф этилаётган корхоналар рўйхати;
- ✓ холдинг таркибига киритиш учун таклиф этилаётган корхоналар ҳар бири хўжалик фаолиятининг асосий турлари ва ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар.

Холдинг ташкил этиш башарти маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг у ёки бу турларини ишлаб чиқаришни монополия қилишга олиб келса, холдинг ташкил этишга йўл қўйилмайди. Агар холдинг бир хилдаги ёки ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчи маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг муайян гуруҳи бўйича монополия деб тан олинса, ушбу

гурух, бўйича монополист корхоналар реестрига киритилган бўлса ва ўзининг бозордаги устунлик мавқеини нархларни зўрлаб белгилаш орқали амалга оширсан, унга ва кўрсатиб ўтилган гурухдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи унинг шўъба корхонасига нисбатан монополияга қарши кураш олиб бориш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган жазоларнинг амал қилиши жорий этилади.

Юридик шахснинг ташкилий жиҳатдан тузилиши (структураси)ни кўрсатадиган Низоми ёки Устави бўлиши керак<sup>1</sup>. Холдинг компаниялари очик акциядорлик тарзида ташкил этилганлиги боис, унинг таъсис ҳужжати устав ҳисобланади.

Таъсис ҳужжати бу устав ва таъсис шартнома ҳисобланади. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасига асосан, акциядорлик жамиятларининг таъсис йиғилиши (муассис) тасдиқлаган устав жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади.

*Холдинг компаниясининг уставида* холдинг компаниясининг номи, жойлашган манзили, ҳуқуқий мақоми, фаолият мақсади ва вазифалари, унинг иштирокчилари, устав фонди, ҳажми, иштирокчилар улуши, ташкил этиладиган фондлари, акциялар чиқариш ва акцияларни жойлаштириш, ҳажми, таркиби, тўловни амалга ошириш муддати, фойдани тақсимлаш тартиби, дивидендларни ҳисоблаш тартиби, акциядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, холдингнинг бошқарув органлари, кузатув кенгаши, ижроия органи, тафтиш комиссияси, холдингда ҳисоб ва ҳисобот юритиш, низоларни ҳал этиш тартиби, холдингни тугатиш ва қайта ташкил этиш каби ҳолатлар ўз ифодасини топиши зарур.

## **2.2. Холдингларнинг мулк ҳуқуқи**

Акциядорлик жамияти юридик шахс сифатида тавсифланар экан, унинг мулкӣ ҳуқуқлари алоҳида тадқиқ этишга муҳтож. Мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг марказий институтларидан биридир. Қонуннинг 2-моддасига кўра жамият ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади.

Жамият ўз балансидаги мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини амалга оширади. Айрим мулклари АЖнинг балансида кўрсатилмаслиги ҳам мумкин (масалан, фирма номи, товар белгиси), лекин бу улар мавжуд эмаслигидан далолат бермайди<sup>2</sup>.

Холдинг мол-мулкнинг таркиби моддий ва номоддий неъматлардан иборат бўлиб, улар таъсисчилар қўшган ҳиссалари, акциядорлар улушлари, қарзлар, кредитлар, турли грантлар, табиат неъматларини ўзлаштириш, тадбиркорлик натижасида қўлга киритилган мол-мулклар, турли битимлар, ворис сифатида олган мол-мулклар, қимматли қоғозлар эмиссияси, дивидентлар, фирма номи ва ишчанлик обрўсидан ташкил топади.

<sup>1</sup> Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқи. -Т., ТДЮИ. 2009.

<sup>2</sup> Раҳмонқулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. -138 б.

Холдинг активлари: а) қимматли қоғозлар; б) муассислар томонидан шартнома асосида берилган, шунингдек холдинг маблақлари ҳисобига сотиб олинган ёки қосил қилинган мулклар; в) пул маблағлари ва бошқалар ҳисобидан ташкил топади.

Холдинг хорижий сармоя иштироқида ёки тўлиқ унинг асосида, шу жумладан хорижий корхоналар акциялари назорат пакетларини сотиб олиш йўли билан ташкил этилиши мумкин.

Холдинг активлари таркибига, шўъба корхоналар акциялари назорат пакетлари билан бир қаторда, акцияларнинг паритет пакетлари (қатнашчи иккита бўлган тақдирда 50 фоиз) ва бошқа хўжалик жамиятлари сармоясида қатнашиш пакетлари (акцияларнинг назорат пакетлари эмас) кириши мумкин. Холдинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестиция фаолиятини амалга оширишга, шу жумладан исталган қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотишга қакли бўлади.

С.С.Гулямов гарчи акциядорлар мулк эгалари бўлса-да, бироқ улар мазкур мулкларни бошқармасликларини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Демак холдингга тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи холдингга тегишли бўлиб, уни холдинг органлари ваколат доирасида амалга оширадилар.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, давлат сектори нефть, газ саноати, электроэнергетика ва кимё саноати каби тармоқларда, транспорт, алоқа ва коммуникация тизимида салмоқли ўрин тутди. Кўпгина корхоналар, компаниялар, корпорация ва уюшмаларларнинг устав жамғармасида ҳам давлат улуши анчагина катта қисмини ташкил этади. Давлат улушининг хаддан зиёд юқори бўлиши, уларни бошқаришни мураккаблаштириб юбормоқда, мутлоқо кераксиз бошқарув тузилмаларининг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашуви зарарли оқибатларга олиб келмоқда. Уларнинг раҳбарлари ўз кўлида давлат улуши ва акцияларини тўплаб олиб, эски маъмурий буйруқбозлик асосидаги бошқарув усулларида фойдаланган ҳолда хусусийлаштириш жараёнларини сунъий равишда секинлаштириб, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини чеклаб қўймоқда, ташаббус ва тадбиркорлик ривожига, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга йўл бермаяпти. Стратегик аҳамиятга эга бўлмаган АЖларда давлат улушини сақлаб туришнинг умуман ҳожати йўқ. Бу улушни фонд бозорида жумладан, салоҳиятли хорижий инвесторларга пайсалга солмай сотишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда<sup>2</sup>.

Ҳозирги кунда давлат корхоналарини нодавлат корхоналари билан рақобатга бардош бера олмаётганлиги, зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг асосини ташкил қилиши, самарадорлиги ва рентабеллиги паст эканлигини эътиборга олиб, мамлакат иқтисодиётида давлат улуши 50% дан ортиқ бўлган жамиятларнигина сақлаб қолиш ва қолган қисмини инвесторларга сотиш борасида қатор ижобий ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup> Гулямов С.С. Правовые проблемы корпоративного управления: теория и практика. –Тошкент: ТГЮИ, 2004. -5 с.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин. // Халқ сўзи. 2002 йил 19 июль.

Президентининг 2007 йил 20 июлдаги “Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 3897-сон Фармони<sup>1</sup> мувофиқ белгиланган “олтин акция” Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 20 июль қарорига кўра жорий этиш ҳуқуқи пахтани қайта ишлаш, ёғ мой саноатини хусусийлаштиришда, “Тошкент трактор заводи” ОАЖга қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилди<sup>2</sup>. Мазкур қарор орқали 363 та корхона ва объектлар бўйича давлат акциялар пакетларини тендер савдоларида инвесторларга ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида сотиш назарда тутилди. Мазкур қарорнинг ижобий томони “олтин акция” жорий қилинган корхоналарда гарчи давлат улуши камайса-да, қабул қилинган қарорларга “вето” қўйиш ҳуқуқи давлатнинг таъсир доирасини сақлаб қолади. Шунингдек, давлат улушининг сотилиши эвазига корхона кўшимча айланма маблағга эга бўлади ва унинг иқтисодий ривожланишига туртки бўлади.

“Олтин акция” тушунчаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 24<sup>1</sup>-моддасида ўз ифодасини топган<sup>3</sup>. “Олтин акция”нинг жорий қилиниши АЖларнинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатидаги ваколатларини чеклашдай туюлиши мумкин. Чунки “олтин акция” АЖ қарорларига “вето” қўйиш орқали таъсир кўрсатади. Лекин бундан кўзланган асосий мақсад муҳим стратегик тармоқлардаги корхоналарнинг устав жамғармаларида давлат улушини кескин камайтириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хусусий мулкчиликнинг ролини ошириш, шунингдек ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, шу асосда сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлашдан иборатдир.

Фикримизча “олтин акция”ни холдинг компанияларига ҳам жорий қилиш лозим.

Холдинглар мол-мулки ўрганилаётганда унинг устав фонди ҳам тадқиқ этилади. Устав фонди ўз моҳиятига кўра жамият томонидан ўз фаолиятини бошлаш учун ажратиладиган, миқдори устав ва таъсис шартномасида белгиланган асосий мулк ҳисобланади<sup>4</sup>.

Жамият устав фонди жамият чиқараётган барча акцияларнинг номинал қийматидан иборат. Устав фонд кредиторлар манфаатларини кафолатлайди. Фаолиятни бошлашда бошланғич сармояни шакллантириш энг кам устав фондини белгилаш билан боғлиқ. АЖ ташкил этилганда, унинг устав фондига акциялар сотиб олиш орқали капитал қўйилади. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 20-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. 29-30-сон, 299-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. 29-30-сон, 300-модда.

<sup>3</sup> Мазкур модда 2007 йил 21 декабрда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунга асосан киритилган // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. 50-51-сон, 514-модда.

<sup>4</sup> Раҳмонкулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоративное право. –Тошкент: ТГЮИ, 2004. -125 с.

моддасида унинг энг кам миқдори кўрсатилган. Устав фондини аниқлашда жамият ташкил этилган кундаги энг кам ойлик иш хақи ёки шу даврда ўзаро тўловлар учун Марказий банк томонидан белгиланган сўмнинг АҚШ долларига нисбати<sup>1</sup> эътиборга олинади.

Хозирги кунда АЖларнинг устав фонди миқдори 400 минг АҚШ доллори қилиб белгиланган.

Холдингнинг тадбиркорлик фаолияти натижасида олган даромадлари ҳисобига ҳам мул-мулки шаклланади. Жамият даромадларига роялти(сотувчига лицензия шартномаси орқали буюмдан фойдаланиш учун вақти-вақти билан ажратилган сумма)дан олинган даромадлар, дивидент кўринишидаги даромадлар, фоиз кўринишидаги даромадлар, қимматли қоғозларнинг курс фарқидан олинган даромадлар, молиявий лизинг шартномасидан оладиган мол-мулк кўринишидаги даромадлар, қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар киради.

Холдинг қонун ва таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, захира асосида бошқа мулк фондларини ташкил қилиш мумкин. Бу холдингжамиятнинг фойда ҳисобидан ҳосил қилинган захиралари активларни қайта баҳолашдан юзага келадиган инфляция захираларини яратиш заруратидан келиб чиқади. Захира маблағлари келажакда юзага келиши мумкин бўлган мулк муаммолардан қутилаётган сарф-харажатларни, қарзларни ва бошқа мақсадлар учун қилинган сарфларни ҳисобдан чиқариш ва жамиятга қайтиш эҳтимоли бўлмаган бошқа мақсадлардан келган умумий баланс зарарларини қоплаш захираларини яратиш учун зарурдир. Захира фондлари асосан кўрилган зарарни қоплаш, холдинг облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидентлар тўлаш, корхона акциядорларига мулк имтиёзлар яратиш в.х.клар учун ташкил этилади.

Захира фондлари холдинг устав фондининг 15% ташкил қилади ва устав фондида белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали амалга оширилади. Аммо бу миқдор холдинг уставида белгиланган миқдорга етгунга қадар соф фойданинг 5% кам бўлмаслиги керак.

Холдинг захира фонди кўрилган зарарни қоплаш холдинг облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидентлар тўлаш, акциялар сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган амалдаги қонунчилигига биноан акциядорлар талабига асосан акцияларни сотиб олиш учун мулжалланади. Захира фондларидан кўрсатилган мақсадлардан ўзга ҳеч қандай мақсадни кўзлаб фойдаланиш мумкин эмас.

---

<sup>1</sup> Айрим ҳолларда евро бирлиги ҳам назарда тутилиши мумкин. Масалан, “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 ноябрь 2007 йилги 726-сонли Қарорига асосан, энг кам устав фонди миқдори тижорат банклари учун - сўм эквивалентида 5 млн. евро, хусусий банклар учун - сўм эквивалентида 2,5 млн. евро қилиб белгиланган. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. 45-сон. 454-модда.

Холдинг соф активларини қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугагандан сўнг холдинг акциядорлари тасдиғига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текширувлари натижаларига кўра жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан оз бўлиб чиқса, холдинг ўз устав фондидан соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтиришни эълон қилиши шарт.

Бошқа фондларни ташкил этиш манбаи, мақсади, миқдори ва фойдаланиш тартиби холдинг акциядорлари умумий йиғилиши билан белгиланади. Захира фондлари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташкил қилиниши мумкин, масалан, маъсулияти чекланган жамиятлар захира фондлари ташкил қилишлари мумкин, лекин у мажбурий эмас. Захира фондларини кўпайтириш жамият хоҳиши ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Холдингда бошқа мулк фондларини ташкил этиш мажбурий эмас, уларни ташкил қилиш жамият уставига кўрсатилган ҳолларда истаг асосида тузилиши мумкин. Захира фондларининг эгаллиги ва назорати кузатув кенгаши ваколатига киради

Жамиятда шунингдек, корхонанинг акцияли табиати билан боғлиқ бўлмаган фондлар ҳам ташкил қилиниши мумкин. Масалан: гумонли қарзлар тўғрисида захира фонди, бухгалтерия ҳисоб китоби тўғрисида захир фонд. в.х.к.

### **2.3. Холдинг фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш асослари.**

Юридик шахснинг ҳуқуқий ҳолатини ёритишда энг муҳим масалалардан бири уни қайта ташкил этиш ва тугатиш ҳисобланади. юридик шахсни бекор бўлиш масаласига нисбатан тугатиш иборасини ишлатиш ҳоллари ҳам илмий адабиётларда кўплаб учрайди. Масалан Ш.Рўзиназаров фикрича корхонани тугатиш биринчидан тамомила корхона фаолиятини тўхтатиш асосида, иккинчидан қайта ташкил этиш йўли орқали амалга оширилади. Биринчи ҳолатда корхонани тугатиш якуний тусга эга бўлса, сўнгисида қайта ташкил этиш корхонани ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёки унинг бир қисми янги ҳуқуқ субъектига ўтади<sup>1</sup>.

Холдингнинг бекор бўлиши ихтиёрий ёки ваколатли органнинг буйруғи асосида амалга ошади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-57-моддалари ушбу қоидадан фарқли равишда юридик шахснинг бекор бўлиш асосларини аниқлаштиради.

Е.А.Сухановнинг фикрича бирлаштириш, қўшиш ёки қайта ташкил этиш ихтиёрий равишда қонунда белгиланган ҳолларда давлат органларининг розилиги билан амалга оширилади. Бундай розилик товар

<sup>1</sup>Тадбиркорлик ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик мас.мух. Ш.Рўзиназаров. -Т., "Консаудитинформ" 2002. 74-б

бозорида айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг вужудга келишини назорат қилиб турувчи антимонопол органларидан талаб қилинади<sup>1</sup>. Мажбурий тартибда ваколатли давлат органи ёки суд қарори асосида бекор бўлиши тушинилади ва бу банкротлик, хўжалик фаолиятини олти ой давомида олиб бормаганлик, лицензиясиз фаолият олиб борганлик ва "акциясиз жамият" сифатида фаолият олиб борганлик ҳолатига нисбатан татбиқ этилади. Е.А.Суханов мажбурий тартибда бўлиш ёки ажратиш усулидаги қайта ташкил этиш амалга оширилишини, бу асосан товар бозорида антимонопол қонунчилигини бузган ҳолларда юридик шахсга нисбатан амалга оширилишини таъкидлайди<sup>2</sup>. Жамиятни қайта ташкил этишнинг мажбурий тартиби Ўзбекистон Республикасининг Товар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги қонунида ўз ифодасини топган бўлиб, унга асосан агар юридик шахс бирлашмаларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва бирлаштириш молия-саноат гуруҳлари, ҳолдинг компаниялари ташкил этиш назарда тутилган ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш, бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган шахслар ёки органлар монополияга қарши давлат органидан розилик бериш учун илтимоснома беришлари, бундан ташқари бирлашаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳар биридан асосий фаолият турлари, уларнинг тегишли товар бозорида улуши ва бирлашмага киришига розилиги тўғрисида маълумотлар тақдим этиши лозим<sup>3</sup>. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда иқтисодиётда "хукмрон" мавқеига эга бўлиб олган корхоналарни бошқа хўжалик юритувчи субъектлар манфаатини кўзлаган ҳолда ва эркин рақобатни тўғри йўлга қўйиш мақсадида қайта ташкил этишнинг ажратиш ёки бўлиш шакли мажбурий тартибда қўлланилади.

Бир корхона акциялари назорат пакетининг иккинчи корхона томонидан сотиб олинishi бир корхонани иккинчи корхона томонидан қўшиб олиш ҳисобланади. Бунда ўзига қўшиб олувчи корхона ҳолдинг (башарти илгари шундай бўлмаган бўлса), қўшилиб кетадиган корхона-шўъба корхона ҳисобланади.

Бир корхонанинг иккинчи корхона томонидан қўшиб олинishiдаги чеклашлар ва чеклаш шартлари, шунингдек бошқа корхоналарнинг бирлашиши (қўшилиб кетиши, қўшилиши) монополияга қарши органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқарилади.

Қуйидаги қолларда корхоналарнинг қўшиб олинishiга йўл қўйилмайди:

-агар қўшиб олинадиган корхона ва ҳолдинг ёки унинг бошқа шўъба корхоналари ўхшаш ёки ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар (ишлар, хизматлар)ни учинчи шахсларга сотса;

<sup>1</sup> Гражданские права. Том-1. Учебник. Отв.ред. Е.А.Суханов М. "БЕК" 2012. С.200.

<sup>2</sup> ўша адабиёт. С. 200.

<sup>3</sup> Олий Мажлис Ахборотномаси 1997. №2. 54-м.

-агар холдинг ёки унинг шўъба корхоналаридан бирортаси қўшиб олинадиган корхона томонидан ишлаб чиқариладиган товар (ишлар, хизматлар)нинг истеъмолчиси ҳисобланса ва қўшиб олинадиган корхонанинг тегишли бозордаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этса ёхуд қўшилиш пайтида тегишли товар (ишлар, хизматлар)нинг биринчи корхона томонидан истеъмол қилинадиган мавжуд даражасидан ортиқ бўлса;

-агар қўшиб олинадиган корхона холдинг ёки унинг шўъба корхоналаридан бирортаси томонидан ишлаб чиқариладиган товар (ишлар, хизматлар)ни сотишни амалга оширса, ва қўшилиш пайтида биринчи корхонанинг тегишли бозордаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этса ёхуд холдинг ёки унинг шўъба корхоналаридан бирортаси улушидан ортиқ бўлса.

Қуйидаги қолларда корхоналарнинг қўшилиб кетишига (устав сармоя миқдоридан қатъи назар) йўл қўйилмайди:

-агар қўшилаётган корхоналар ўхшаш ёки ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотса ва тегишли бозорда уларнинг жами улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этса, ёхуд агар уларнинг қўшилиши улардан бирортаси ҳаракат қиладиган бозорнинг кенгайишига олиб келса;

-агар қўшилаётган корхоналардан бири иккинчи корхона томонидан ишлаб чиқариладиган товар (ишлар, хизматлар)нинг истеъмолчиси ҳисобланса, ва иккинчи корхонанинг тегишли бозордаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этса ёхуд қўшилиш пайтида биринчи корхона томонидан тегишли товар (ишлар, хизматлар) истеъмол қилинишининг мавжуд даражасидан ортиқ бўлса;

-агар қўшилаётган корхоналардан бири иккинчи корхона томонидан ишлаб чиқариладиган товар (ишлар, хизматлар)ни сотишни амалга оширса, ва тегишли бозорда биринчи корхонанинг улуши қўшилиш пайтида 35 фоиздан ортиқ бўлса ёхуд иккинчи корхонанинг улушидан ортиқ бўлса.

Молиявий холдинг ва унинг шўъба корхонасининг (корхоналарининг) қўшилишига, агар қўшилиш натижасида холдинг сармоясидаги қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий активлар улуши 50 фоиздан ортиқ бўлмаган даражага етса, белгиланган талаблари бажарилган тақдирда йўл қўйилади.

Корхоналарнинг қўшилиб кетиши учун белгиланадиган қоидалар шунингдек уларнинг қўшилиши қолларига ҳам татбиқ этилади. Ўхшаш ёки ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотувчи корхоналарнинг қўшилиб кетиши ҳақидаги тақлиф қонун ҳужжатларига мувофиқ монополияга қарши органлар томонидан кўриб чиқилади.

Корхоналарнинг қўшиб олинишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган битишувлар содир этилиши устидан назорат қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ монополияга қарши органлар томонидан амалга оширилади. Холдингларни бекор қилишнинг иккинчи шакли уни ҳуқуқ субъекти сифатида тугатиш ҳисобланади. Тугатиш унинг ҳуқуқ ва

бурчларини ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилишга олиб келади<sup>1</sup>.

Ихтиёрий равишда тугатиш холдинг умумий йиғилиш қарорига мувофиқ амалга оширилади. Бунга холдингнинг ўзи кўзлаган мақсадга эришиши, амал қилиш муддатининг якуни асос бўлади. ФКнинг 53-моддаси холдингни ташкил этиш чоғида қонун бузилишига йўл қўйилган ҳолларда суд холдингни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топиши билан тугатилишини ихтиёрий усулга киритади.

ФКнинг 53-моддасига мувофиқ ўз фаолиятини рухсатномасиз олиб борганда, ноқонуний фаолият олиб борганда суд томонидан мажбурий равишда тугатилади. Юридик шахсни тугатиш кредиторлар талабини аниқлаш ва уларни таъминлашга ғаратилиши туфайли узоқ муддатли жараён ҳисобланади<sup>2</sup>.

Холдингни тугатишнинг маҳсус турларидан бири банкрот деб топиш орқали тугатишдир. ФКнинг 57-моддасига мувофиқ, юридик шахс кредиторлар талабини қондиришга қурби етмаса, суд қарорига мувофиқ у ночор деб ҳисобланиши мумкин. Бу унинг тугатилишига олиб келади.

Банкротлик тўғрисидаги 2003 йил 24 апрел қонунининг 3-моддасига кўра банкротлик бу хўжалик суди томонидан эътироф этилган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги тушинилади.

Банкротлик бўйича юридик шахсни тугатиш мажбурий (суд тартибида) ва ихтиёрий (ўзини банкрот деб топиш) тарзда амалга ошади. Унинг ўзига ҳослиги мулкни кредиторлар ўртасида ким ошди савдоси орқали бўлинишига қатъи риоя қилиши билан белгиланади.

## ХУЛОСА

Мана, биз ушбу мавзу орқали фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда юридик шахс сифатида иштирок этувчи холдинглар, уларни тузиш тартиби, фаолияти, мақсад ва вазифалари билан боғлиқ масалаларни атрофлича ёритишга ҳаракат қилдик.

Табиийки, ушбу соҳа ҳали етарлича ёритилмаган, ўрганилмаган. Аксар кўп материаллар нисбатан янги. Ҳуқуқий база ҳам етарли даражада муносабатларнинг барчасини қамраб олиши қийин. Аммо соҳада ҳали ечимини кутаётган талай муаммолар бор. Шу маънода биз ҳам имкон қадар мавзунини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Пировардида қуйидаги фикр-мулоҳазаларни хулоса ўрнида айтиш имкони туғилди.

1. турли давлатлар қонунчилиги ҳамда илмий фикр-мулоҳазаларни танқидий ўрганган ҳолда холдинг компанияси тушунчасини қуйидагича тарифлашни мақсадга мувофиқ деб билдик:

<sup>1</sup> Лаптев В.В. «Акционерное право» М., «Контракт», 1999. С. 110.

<sup>2</sup> Гражданские права. Том-1. Учебник. Отв.ред. Е.А.Суханов М. "БЕК" 2012. С.203

Холдинг бу таркибига турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарни назорат қилиш ва фаолиятини бошқариш мақсадида уларнинг назорат пакет акция ёки хиссаларига эгалик қилувчи компаниядир.

2. холдингларнинг ҳуқуқ субъектчилигининг таркиби учта асосий элементдан таркиб топади, яъни:

- ҳуқуқ лаёқати;
- муомала лаёқати;
- юридик шахснинг ўз ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун жавобгарлиги.

3. юридик шахсларнинг барча турларини ҳуқуқий лаёқатининг умумий хусусиятларини таҳлил қилган ҳолда хулоса чиқарадиган бўлсак ва мамлакатимизда ташкил этилаётган холдинглар асосан давлат улушининг катта қисмини ўзида мужассам этганлигини инобатга олсак холдинглар махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади.

4. ҳозирги кунда иқтисодда холдинг компаниялари фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, уларнинг айланма маблағларини кўпайтириш, таркибидаги корхоналарини модернизация қилиш мақсадида фикримизча “олтин акция”ни холдинг компанияларига ҳам жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

5. Фикримизча холдинглар мамлакат иқтисодиётида етарли ўз ўрнини топмаётганлиги аксарият ҳолларда холдинглар тузишга асосан давлат ташаббускор эканлиги, хусусий корхоналарда холдинглар тузишга “қизиқиш суст” эканлиги билан белгиланади.

6. Холдинглар билан боғлиқ норматив база ҳам етарли эмас. Соҳа билан боғлиқ муносабатларни фақатгина махсус Холдинглар тўғрисидаги Низом тартибга солмоқда лекин унинг қабул қилинганлигига қарийб 19 йил тўлди. Бу давр ичида кўплаб қонунчилик тубдан ўзгартирилди ва янги таҳрирларда ишлаб чиқилди. Юқоридагиларни инобатга олиб махсус қонунчилик базасини яратиш мақсадга мувофиқ.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

### **I. Раҳбарий адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. –Т.: Ўзбекистон. 1994.
2. Каримов И.А.Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон. 1995.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистан буюк келажак сари» Т. «Ўзбекистон» 1998
4. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар тўплами. Т.7. –Т.:Ўзбекистон.1999. -385 б.
5. Каримов И.А. Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин. // Халқ сўзи. 2002 йил 19 июль.
6. Каримов И. А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. - Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -318 б.

7. Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2010
8. Karimov I. Amalga oshirayotgan islohotlarimizni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyati qurish – yorug‘ kelajagimizning asosiy omilidir// Prezident Islom Karimovning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 21-yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma’ruzasi// <http://uza.uz/uz/politics/30129/>
9. Karimov I. Mamlakatimizni 2013-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2014-yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma’ruzasi// <http://uza.uz/uz/politics/30701/>

## **II. Қонунлар ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 44 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2013.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонуни (31.10.1990 й) //Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари. 1990. №31-33. 371-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун
5. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни (26.04.1996 й)//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 1996. 5-6-сон. 61-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг Рақобат тўғрисида”ги қонуни // ЎР ҚХТ, 2012 й., 1-сон, 5-модда
7. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни (29.08.1998й.)/Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 9-сон. 170-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2012.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонуни (30.08.2001 й)//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2001. 9-10-сон, 178-модда.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни (24.04.2003 й.) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси., 2003. 5-сон. 63-модда.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги қонуни

- (18.09.2006 й)// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2006. 37-38-сон, 370-модда.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги 3202-сон “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамияти-ни тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2003. 1-2-сон, 4-модда.
  13. "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" холдинг компанияси таркибидаги ўзгартириш тўғрисида (ЎзР Президентининг 11.05.2005 й. ПК-74-сон Қарори)
  14. "Файз" холдинг компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида (ЎзР ВМ 19.08.2004 й. 403-сон Қарори)
  15. "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" холдинг компанияси таркибидаги ўзгариш тўғрисида (ЎзР Президентининг 13.07.2005 й. ПК-119-сонли Қарори)
  16. Алкоголли маҳсулотга тўланадиган акциз солигининг бир қисмини ҳисоблаб чиқиш ва "Ўзвиносаноат" холдинг компаниясининг реконструкциялаш ва ривожлантириш жамгармасига йўналтириш тўғрисида Низом (ЎзР АВ томонидан 30.11.2005 й.да 1526-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВнинг 06.11.2005 й.даги 103-сон ва ЎзР ДСҚнинг 2005-65-сон Қарори)
  17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 январь 2006 йилги 255-сонли “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 2-сон, 8-модда.
  18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.05.2006 йилдаги 357-сонли “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг ҳабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. 20-21-сон, 174-модда.
  19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.08.2006 йилги 446-сонли “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 34-35-сон, 341-модда.
  20. "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси Бошқарувчилар кенгашининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида (ЎзР Президентининг 08.09.2006 й. ПК-461-сон Қарори)
  21. "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" холдинг компанияси таркибидаги ўзгариш тўғрисида (ЎзР Президентининг 16.04.2007 й. ПК-623-сон Қарори)
  22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги “Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 3897-сон Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. 29-30-сон, 299-модда.

23. "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компаниясини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида (ЎзР Президентининг 29.12.2007 й. ПК-766-сон Қарори)
24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Холдинглар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (12.10.1995 й)// Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари тўплами 1995. 10-сон 39-модда.
25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Акциядорлик жамиятлари бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (22.08.1998 й 361-сон) Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлар тўплами. 1998. №8. 31-модда.
26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида"ги 15 декабрь 1998 йилги қарори
27. "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компаниясининг шиша идиш ишлаб чиқарувчи заводи қурилиши тўғрисида (ЎзР ВМ 12.08.2002 й. 289-сонли Қарори) ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.
28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Хусусийлаштирилган корхоналар корпоратив бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 189-сонли қарори (19.04.2003й) //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2003. 7-8-сон 63-модда.
29. Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудитор ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги Низом (Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2007 йил 12 февралдаги 01/12-18/03, 20-сон қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 28.03.2007 йилда №1668 сон билан рўйхатга олинган)// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. 13-сон, 128-модда.
30. "Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низом (Ўз.Р Адлия вазирлиги 27.04.2005 й. 1473-сон билан рўйхатга олинган, ЎзР Молия вазирлиги 14.03.2005 й. 33-сон ва ЎзР Давлат Мулк қўмитаси 01/06-18/02-сон Қарори билан тасдиқланган) /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005, 17-18-сон, 132-модда.;
31. "Давлат акциялар пакети (улушлари)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш Қоидаларини тасдиқлаш ҳақида" (ЎзР Адлия вазирлиги 16.09.2004 й. 1410-сон билан рўйхатга олинган, ЎзР Давлат Мулк қўмитаси 03.09.2004 й. 01/18-48-сон Қарори) /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 37-сон, 416-модда.;
32. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда уларга электрон рақамли имзо калитларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 14-сон, 160-модда)

33. Монополияга қарши курашни тартибга солиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 27.12.2013 йилдаги 344-сон, кучга кириш санаси 06.01.2014 Манба: ЎР ҚХТ, 2014 й., 1-сон, 2-модда
34. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 15.04.2014 йилдаги ПҚ-2164-сон, кучга кириш санаси 16.04.2014 // «Халқ сўзи», 2014 й., 73 (6003)-сон;
35. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Кўшма Пленумининг 31.03.2005 йилги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори

### **III. Илмий адабиётлар**

1. Абдуллаев Ё, Шоҳаъзамов Ш. Қимматли қоғозлар. –Тошкент, Меҳнат. 1997.
2. Бобоев Х.Б. ва бошқалар. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: 2000.
3. Боготых Е. Гражданское и торговое право М., Контракт 2000.
4. Бутиков И. Қимматли қоғозлар бозори –Тошкент, Консаудитинформ. 2001.
5. Гражданское право. /Под ред А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. ч.1. -М.: ПРОСПЕКТ. 2012. -120 с.
6. Гражданские права. Том-1. Учебник. Отв.ред. Е.А.Суханов М. "БЕК" 2012. С.200.
7. Гражданское и торговое право капиталистических государств. –М.: 1993. с.360-363.
8. Гулямов С.С. Правовые проблемы корпоративного управления: теория и практика. –Тошкент: ТГЮИ, 2004. -5 с.
9. Долинская В.В. Акционерное право. –М.: Юридическая литература. 1997. -308 с.
10. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Т., ТДЮИ. 2009.
11. Караходжаева Д.М. Юридик шахс институти // Хаёт ва қонун. -Тошкент, 2004. -№4 –Б. 21.
12. Каракетов Ш. Холдинги в Республики Узбекистан: особенности правового статуса. –Ташкент, ТГЮИ. 2008.
13. Кашанина Т.В. Корпоративное (внутрифирменное) право. -М.: Норма, 2005. -69 с.
14. Лаптев В.В. Акционерное право -М.: Проспект. 1999
15. Окюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Тошкент: ТДЮИ, 2004. -154 б.
16. Раҳмонқулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. -138 б.

17. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. –Тошкент: O'zbekiston. 2008. -118-119 б.
18. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик мас.мух. Ш.Рўзиназаров. Т., "Консаудитинформ" 2002. 74-б
19. Чжен В.А. Хусусийлаштириш асослари. Т.1. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи”. -Т.: 1996. -122 б.
20. Юридик энцклопедия. -Тошкент, “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси. 2001. -524 б.
21. Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –Тошкент. ТДЮИ. 2004.
22. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд. –Тошкент. Baktria press. 2010.
23. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 2-жилд. –Тошкент. Baktria press. 2013
24. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 3-жилд. –Тошкент. Baktria press. 2013.